

علم اور گانیش پر بر سماں اوچون وردود

۱۴۳۴



Ойлик ижтимоий-маърифий электрон журнал 1-сон Мадаррам



Янги ҳиёрий 1434 йил





Таҳрир ҳайъати:

Шайх Муҳаммад Содик
Муҳаммад Юсуф (раис)

Тоҳир Малик.

Эркин Малик.

Абдулҳамид Турсун.

Муҳаммад Айюб Усмон.

Муҳаммад Зуфар.

Озод Мунаввар.

Исмоил Муҳаммад Содик

Анвар Аҳмад



“Ҳилол” ойлик электрон журнали. 4-сон.

Муассис: “Ҳилол” нашрёти МЧЖ (Москва)

Бош мұхаррир: Аҳмад Муҳаммад

Бош директор: Абу Мұслим

Мусаввир: Бекзод Вафоев



ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Яна бир неча кундан кейин дунёдаги барча мусулмонлар учун янги, ҳижрий 1434 йил бошланади. Ислом таълимотида янги йилни байрам сифатидан нишонлаш анъанаси бўлмаса-да, одатда ҳар сафар йил айрилганида ўтган кунларга бир назар солиш, қилинган ишларни сарҳисоб этиш, янги йил учун айрим режа ва мақсадларни чамалаш халқимиз орасида урфга кирган.

Мана, ҳижрий ҳисоб билан бир йил ўтди. Азиз умримизнинг бир йилийи йўқлик қаърига кетди. Энди у биз учун дунё ҳаётида қайтиб келмайди. Абадият сари қўйилган қадамимиз яна бир маррани ортда қолдирди. Ажал камонидан отилган ўқ бизга ажратилган йиллардан бирини қаритиб, "ҳалок этди". Охират дунёсига қилажак сафаримиз янада тезлашди.

Биз ўтган йилда нималар қилдигу, нималарни бой бердик? Аллоҳ розилиги учун қандай солиҳ амалларни қилишга улгурдик? Дунё иморатини кўркам ва ҳашамдор қилаётганимиз аниқ-куя, аммо охиратимиз қасрига бирор ғишт қўя олдикми? Ибодатларимизни Парвардигор буюрганидай комил, тўкис ва шариатга биноан бажаряпмизми? Одамларга яхшилик қилиб, ўксик дилларга малҳам қўйишга вақт топяпмизми? Ота-онамизнинг хизматларини бажариб, дуоларини олишга имкон изладикми? Силаи раҳм қилиб, ақраболар дилини овладикми? Ўтган йилимизда ҳалқ ёки дин манфаати йўлида қандай фойдали ишларни қила олдик?

Жавоби қийин, аммо ўзи ўта мұхим саволлар... Турмуш ташвишлари, ўй-рўзгор юмушлари, ишхона ёки болачақа муаммолари, тўй-томоша "югур-югур"лари билан ҳамиша бандмиз. Бироқ соат милларининг сақраши каби тез яқинлашаётган, эртаси бўлмайдиган кун ҳақида ўйлаб кўришга вақтимиз "етишмаётгани" аниқ. Телевизор ёки экранлар қаршисида, улов кутиб бекатларда соатлаб туришда, чойхоналарда нарда ёки шоҳмот таҳталари устида, гап-гаштакларда соатлаб "ширин" сұхбат қуришларда, уяли телефонимизни қулоққа илиб олиб гаплашаётган пайтимизда қимматли вақтларимиз бой берилиб, бемалол совурилаётгани ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдикми? Ҳар ҳолда бефойда ёки нозарур ҳамма нарсага вақтимизни қизғанмаймизу, негадир охират учун вақт сарф қилгимиз келмаётир ёки айнан шундай ишларга вақтимиз етишмаётганидан нолишларимиз кўп. Қанчалаб вақтларимизни эснаб, ухлаб, беҳуда валақлашиб ўтказишга тайёрмизу, негадир Қуръондан бир нечагина саҳифа ёки бирор сурани ўқишга, Аллоҳнинг зикрини қилишга, Пайғамбаримиз ҳаётларининг ақалли бир қирраси билан танишиб, у зотдан ибрат ва иршод олишга ёхуд бирор фикҳий масалани ўрганишга вақт тополмаймиз. Гўё охиратда Парвардигор ҳузурида тўйни қанчалар ҳашамдор қилиб, нечта одам чорлаганимиз, қизимизга қанча сеп ва мебел қилганимиз, набирамизнинг туғилган кунини қандай шоҳона нишонлаганимиз, иморатимизни қанчалар баланд ва кўп хоналари қилиб қурганимиз ҳақида ҳисобга тортиладигандай



Ҳалокунинг итидай югураверамиз, чопаверамиз, интилаверамиз...

Аммо охиратда бу нарсалар ҳақида ҳисобга тортилмаймиз, тортилсақ ҳам Аллоҳ берган неъматлар жойига сарфланганим ёки исрофга йўл қўйилганми, шулар ҳақида ҳисоб-китоб қилинамиз. Балки қиёмат куни намозларни вақтида, хушуъ-хузуъ билан ўқиганимиз ҳақида сўраламиз. Аллоҳнинг Каломидан қанчасини ёд олганимиз, мунтазам қироат қилганимиз, Қуръон ҳукмларини ҳаётимизга қай йўсинда татбиқ қилганимиз ҳақида сўраламиз. Аллоҳнинг зикрини ва солиҳ амалларни қанча қилганимиз тўғрисида ҳисоб берамиз. Аллоҳ берган умрни, қайтиб келмайдиган йилларни қандай ишларга сарфлаганимиз ҳақида жавоб берамиз. Аммо бизлар бу борада ўйлаб кўришга ҳам эринамиз. Охират ишларига унча аҳамият бермаймиз, ўта бе-парвомиз, лоқайдмиз, тепса-тебранмасмиз...

Диндошларимизни, юртдошларимизни кириб келаётган янги ҳижрий сана билан қутлаш мақсадида қўлга қалам олган эдим. Аммо қаламим ниятимга унча бўйсунмай, бутунлай бошқа нарсаларни ёзиб юборди. Бу ҳам Аллоҳнинг ҳикмати, Унинг иродасига боғлиқ нарса. Демак, Парвардигоримиз биз, мусулмонларга ўтаётган йиллар тугул, ҳар бир ойимизни, ҳафтамизни, кунимизни, соатимизни ана шундай сарҳисоб қилишни, ҳадеб дунё ташвишлари билан ўралашавериб, охиратни унубтиб қўймасликни эсга солишини ирова этганга ўхшайди. Йилимиз тугаб, янги йил кириб келаётган шу кунларда ўтган кунларимизни бир сарҳисоб қиласайлик, ўтган йили эсдан чиқарган, охиратда ҳисобга тортиладиган амал ва ибодатларимиз ўрнини янги йилда тўлдириш, қоплаш, кўпайтириш ҳаракатида бўлайлик, азизлар!

Янги ҳижрий йилингиз муборак бўлсин, янги йил хонадонингизга ҳидоят нурини, қалбингизга иймон сурурини, руҳингизга мусулмонлик фурурини олиб келсин!

“АЛЛОХДАН ҮЗГА ИЛОХ ЙҮҚ!”

اللهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُومُ لَا تَأْخُذُهُ سِنَةٌ وَلَا نَوْمٌ لَهُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِنْ عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا شَاءَ وَسَعَ كُرْسِيُّهُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضُ وَلَا يَنْعُودُهُ حَفْظُهُمَا وَهُوَ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ

500



“Аллоҳ – Ундан үзга илоҳ йўқ. У Ҳайй ва Қайюмдир. Уни мудроқ ҳам, уйқу ҳам олмас. Осмонлару ердаги нарсалар Уникидир. Унинг ҳузурида Ўзининг изнисиз ҳеч ким шафоат қила олмас. У Зот уларнинг олдиларидағи нарсани ҳам, ортларидаги нарсани ҳам билур. Унинг илмидан ҳеч нарсани иҳота қила олмаслар, фақат Ўзи хоҳлаганини, холос. Унинг Курсиси осмонлару ерни қамраган. Уларнинг муҳофазаси қилиши Унга оғир келмас. Ва У Алий ва Азиймдир”

(Бақара сураси, 255-оят).

Бу ояти карима «Курси ояти» номи билан машҳур бўлиб, ушбу оятда келган ҳар бир сифатининг ўзи умумий исломий тасаввурлардан бирига қоида бўлади. Ушбу ояти кариманинг биринчи жумласида келган сифат Аллоҳ таолонинг ягоналигини ҳеч шубҳасиз, исбот қилади. Бошқа динларда пайдо бўлган нотўғри ақидаларни ҳам тўғрилайди. Пайғамбарлардан кейин ихтилофга тушган умматлар Аллоҳнинг сифатларида ҳам ихтилоф қилишган. Мисол учун, христианлар (насоролар) Ийсо алайхиссаломдан кейин бутунлай адашиб, Аллоҳнинг зоти ҳақида нотўғри ақидага бордилар. Улар учлик назариясини яратиб, «Аллоҳ уч зотнинг учинчисидир», дейишган. Бошқалар ҳам шунга ўхшаш ихтилофлар қилишган. Исломий тасаввур бўйича эса: «Аллоҳ – Ундан үзга илоҳ йўқ». Аллоҳ ягона, дунёда фақат Аллоҳнинг Ўзигагина ибодатга сазовор Зотдир. Яъни бандалар фақат Аллоҳнинг айтганини қилиб яшашлари, фақат Унинг Ўзигагина банда бўлишлари керак. Фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигагина итоат этишлари, сифинишлари, бўйсунишлари ва фақат Ундангина кўркишлари лозим. Фақат Аллоҳнинг шариати, қонун-қоидалари, дастури асосида яшашлари зарур.

«У Ҳайй ва Қайюмдир». Ягона Аллоҳнинг тириклиги Ўзигагина хос алоҳида ҳаёт бўлиб, бандалар ҳаётига ўхшаш бошқа масдардан берилган эмас. Бу ҳаёт азалий ва абадийдир. Бошланиш чегараси ҳам, тугаш чегараси ҳам йўқ. Аллоҳнинг тириклиги ҳеч

бир жиҳатдан бандаларнинг ҳаётига ўхшамайди. Аллоҳнинг «қайюм»лик сифатининг маъноси – Аллоҳ таборака ва таолонинг ҳар бир нарса устида турувчи экани ва ҳар бир турувчи нарса Унинг сабабидангина туришидир. Шу билан Аллоҳнинг туриши бошқанинига ўхшамайди ва доимидир. Бу сифат шу даражага етганки: «Уни мудроқ ҳам, уйқу ҳам олмас». Яъни У доимо сергак, бир лаҳза ҳам Унинг туриши сусаймайди.

«Осмонлару ердаги нарсалар Уникидир». Осмонларда нимаики бўлса, ерда нимаики бўлса, ҳамма-ҳаммасининг эгаси Аллоҳдир. Бу эгалик умумий бўлиб, ҳеч нарсани четда қолдирмайди. Бу эгаликни ҳеч бир нарса чегаралай олмайди.

«Унинг ҳузурида Ўзининг изнисиз ҳеч ким шафоат қила олмас». Бу ҳам улкан сифатлардан бўлиб, Аллоҳнинг ва банданинг мақомини баён қилиб беради. Бандаларнинг барчаси, ким бўлишидан қатъи назар, Аллоҳнинг ҳузурида бандалигини тан олиб, туриб қолади. Бу бандаликни чуқур ҳис этиш шу даражага етганки, ҳатто ҳеч ким орага тушиб, бирорвга шафоатчилик қилишга ҳам журъат қила олмайди. Фақат Аллоҳ изн берганларгина У Зотнинг изни билангина, У берган изн чегарасидагина шафоат қила олади. Бу сифат олдинги оятдаги «...ва шафоатчилик йўқ» жумласидан истисно эканини билиб оламиз. Демак, умумий қоидага биноан, шафоатчилик йўқ, аммо истисно тариқасида Аллоҳнинг изни билан баъзи кишилар шафоат қилишлари мумкин.

«У уларнинг олдиларидағи нарсани ҳам, ортларидаги нарсани ҳам билур». Бу сифат Аллоҳнинг илми шомил илм экани ва У Зот ҳамма нарсани Ўзининг чексиз илми билан билиб туришини билдиради. Аллоҳ таоло бандаларнинг аввал қилган ишларини ҳам, шунингдек, ҳозир қиласётган ва келажакда қиласётган ишларини ҳам билиб туради. Аллоҳ таолонинг илми чексиз ва ҳамма нарсани қамраб олган, шу жумладан, бандалари билган ва билмаган нарсаларни ҳам билади. Бандалар эса: «Унинг илмидан ҳеч нарсани иҳота қила олмаслар, фақат Ўзи хоҳлаганини, холос».

Демак, бандалар Аллоҳ билишларини қанчалик даъво қилишса ҳам фақат Аллоҳ хоҳлаган нарсаларни гина биладилар, холос. Инсон «Илмнинг чўққисига чиқдим», деб жар солганда ҳам, фақат Аллоҳ изн берган озгина илмгагина эришган бўлади.

«Унинг Курсиси осмонлару ерни қамраган». Одатда курси мулкка далолат қиласди. Шунинг учун ушбу жумлани баъзи уламоларимиз айтганларидек, «Аллоҳнинг салтанати осмонлару ерни қамраб олган», деб тушунсанк бўлади. Аслида эса Курси ва унга тааллуқли нарсалар, бинобарин, ушбу жумла ҳақида уламоларимиз ўзларига етган далиллар асосида бир неча хил фикрлар айтишган. Жумладан, баъзи уламоларимиз Курсини «ilm» деганлар. Шунга биноан, мазкур жумланинг маъноси «Унинг илми осмонлару ерни қамраган» бўлади.

Буюк саҳобий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу ушбу жумланинг тафсирида: «Курси луғатда «икки қадам» деган маънони англатади. Аршининг миқдорини Аллоҳдан бошқа билмайди», деганлар. Ушбу ва шунга ўхшаш бошқа ривоятларга асосланиб, уламоларимиз «Курси Аршдан бошқа нарса», дейишган.

Ибн Жарир Табарий Абу Зарр розияллоҳу анҳудан келтирган ривоятда Набий алайҳиссалом: «Аршининг олдида Курси худди кенг ерга ташланган темир ҳалқага ўхшайди, холос», деганлар.

Ўтган уламоларимизнинг кўплари: «Курси Аршининг олдиға қўйиладиган поғонасимон нарсадир», дейишган. Шуларга биноан ақида бўйича мутахассис уламоларимиз: «Биз Аллоҳнинг Арши ва Курсиси борлигига иймон келтирамиз. Бу икки нарса одамларнинг арши – тахти ва курсисига ўхшамайди. У иккисининг ҳажми, кайфияти ва сифатини фақат Аллоҳ таолонинг Ўзи билади. Бизнинг эса уларни билишга ҳожатимиз йўқ. Агар ҳожатимиз бўлганида, Аллоҳнинг Ўзи баён қилиб берган бўларди», дейишади.

«Уларни муҳофаза қилиш Үнга оғир келмас». Яъни Аллоҳ таоло осмонлару ерни муҳофаза қилиб, тасаррuf қилишдан чарчамайди. Бу иш Үнга ҳеч ҳам оғирлик қилмайди. Бу сифат Аллоҳнинг қудрати комил ва чексиз эканини кўрсатади.


«Ва У Алий ва Азиймдир». Аллоҳ ҳамма нарсадан юқори ва олийдир, Аллоҳ ҳамма нарсадан улуғдир.

Имом Муслим ва имом Аҳмадлар Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Аллоҳнинг Китобидаги энг улуғ оят Курси ояти экани таъкидланган.

Имом Насаий Абу Умомадан ривоят қилган ҳадисда Набий алайҳиссалом: «Ким ҳар фарз намоздан кейин «Курси ояти»ни ўқиса, унинг жаннатга киришини фақат ўлим тўсиб туради, холос», деганлар. Яъни, бу «Ўлмагани учунгина жаннатга кирмайди, агар вафот этса, уни жаннатдан тўсадиган ҳеч нарса қолмайди», деганидир.

Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қўйидаги ҳодисани ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени Рамазон закотини сақлашга вакил қилдилар. Бирор келиб, тўпланган егулиқдан ҳовучлаб ола бошлади. Уни ушлаб:

– Ҳозир сени Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва-салламнинг ҳузурларига олиб бораман, – дедим. У:



– Мени қўйиб юбор, бола-чақам бор, жуда ҳам муҳтоҷман, – деди. Уни қўйиб юбордим. Тонг отганда Набий алайҳиссалом:

– Ҳой, Абу Ҳурайра! Кечаги асиринг нима қилди? – дедилар. Мен:

– Эй Аллоҳнинг Расули, жуда ҳам муҳтоҷлигидан, бола-чақасининг кўплигидан шикоят қилган эди, раҳмим келиб, қўйиб юбордим, – дедим. У киши алайҳиссалом:

– Сенга ёлғон гапирган бўлиб, қайтиб келса-чи? – дедилар. Набий алайҳиссаломнинг «қайтиб келса-чи» деганларидан унинг яна келишини билдим ва пойлаб турдим. У келиб, яна егулиқдан ҳовучлаб ола бошлади. Уни тутиб олдим ва:

– Сени Расулуллоҳнинг олдиларига олиб бораман, – дедим. У:

– Мени қўйиб юбор, бола-чақам бор, жуда ҳам муҳтоҷман, – деди. Раҳмим келиб, уни қўйиб юбордим. Тонг отганда, Набий алайҳиссалом:

– Ҳой, Абу Ҳурайра, кечаги асиринг нима қилди? – дедилар. Мен:

– Эй Аллоҳнинг Расули, жуда ҳам муҳтоҷлигидан, бола-чақасининг кўплигидан шикоят қилган эди, раҳмим келиб, қўйиб юбордим, – дедим. У киши алайҳиссалом:

– Сенга ёлғон гапирган бўлиб, қайтиб келса-чи? – дедилар. Учинчи марта пойлаб туриб, яна ушлаб олдим ва:

– Энди уч марта бўлди, сени Расулуллоҳнинг ҳузурларига албатта олиб бораман. Ҳар сафар «Қайтиб келмайман», деб, яна келасан, – дедим. У:

– Мени қўйиб юборсанг, Аллоҳ сенга манфаат берадиган сўзларни ўргатиб қўйман, – деди. Мен:

– Улар қандай сўзлар? – дедим. У:

– Кўрпангга кириб ётганингда, «Курси ояти»ни ўқисанг, Аллоҳ тарафидан сени қўриқчи қўриб турадиган бўлади. Тонг отгунча сенга шайтон яқинлашмайди, – деди. Эртасига Расулуллоҳ алайҳиссалом:

– Ўзи ёлғончи бўлса ҳам, сенга рост гапириби, – дедилар ва: – Уч кундан бери ким билан гаплашаётганинги биласанми, Эй Абу Ҳурайра? – дедилар. Мен:

– Йўқ, – деган эдим, у киши алайҳиссалом:

– Ўша шайтондир, – дедилар».

(“Тафсири Ҳилол”, 1-жилд)

ИФЛОСЛИКЛАР ОНАСИ

Усмон розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Хамрдан четда бўлинглар! Чунки, у ифлосликларнинг онасиdir. Сизлардан олдин ўтганлардан бир киши бор эди. Бир бузук аёл унга илашиб қолди. У унинг олдига ўз хизматчи қизини юбориб, гувоҳликка ўтишини сўради. Эркак у (қиз) билан кетди. (Уйга кирилгач) у қайси бир эшиқдан кирса, қиз эшикни маҳкам беркитиб бораверди. Охири бир гўзал аёл ҳузурига етиб борди. Унинг олдида бир ғулом ва бир идишда хамр турар эди. Аёл: «Аллоҳга қасамки, мен сени гувоҳликка чақирганим йўқ. Аммо сени менга яқинлик қилишинг ёки манави идишдаги хамрдан бир қадаҳ ичишинг ёки манави ғуломни ўлдиришинг учун чақирдим», деди. Эркак: «Менга манави хамрдан бир қадаҳ ичир», деди. Аёл унга ичирди. Эркак: «Менга яна беринглар», деди. Ўша ернинг ўзида у (аёл)га яқинлик ҳам қилди, жонни ҳам ўлдириди. Демак, хамрдан узоқда бўлинглар! Аллоҳга қасамки, албатта, у абадулабад иймон билан жам бўла олмас. Агар иккиси жамланиб қолсалар ҳам бири иккинчисини чиқариб юборур», деди».

Бошқа бир ривоятда: «Жаннатга миннатчи ҳам, оқ қилинган ҳам, хамрни сурункали ичувчи ҳам кирмас», дейилган (Иккисини Насойи ривоят қилган).

Шарҳ: Ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхудан қилинган биринчи ривоятда у киши хамрдан огоҳлантирувчи ажойиб гапларига ўтган умматларда бўлиб ўтган ибратли бир қиссани ҳам келтирмоқдалар.

«Хамр»дан четда бўлинглар! Чунки, у ифлосликларнинг онасиdir. Ҳа, хамр бор жойда ифлосликтарнинг барча тури ҳам бўлади. Она асл бўлиб, ундан ҳамма болалар туғилганидек, хамр ҳам ифлосликларнинг онаси бўлиб, ундан барча ифлосликлар келиб чиқади. Бунга оддийгина бир мисол келтирилса, тушуниш осон бўлади.

«Сизлардан олдин ўтганлардан бир киши бор эди». У ўз ибодати, тақвоси, ҳаром-харишдан узоқлиги билан шуҳрат топган эди.

«Бир бузук аёл унга илашиб қолди». Одатда ифлос хулқли аёллар ҳалол-пок эркакларни йўлдан уришни ўзига мақсад қилиб олган бўлади. Чунки ўзларига ўхшаш ифлос эркаклар уларга шерик бўлгани учун эътиборларида бўлмайди. Ҳалол-пок, тўғри эркакларни йўлдан уриш учун пасткаш аёллар ҳар хил ҳийланайрангларни ишга соладилар.

«У унинг олдига ўз хизматчи қизини юбориб, гувоҳликка ўтишини сўради». Бузук аёл тақводор кишининг олдига ўзи бормай, хизматчи чўри қизини юборди ва мазкур кишидан савобли бир иш қилишни, гувоҳликка ўтишини илтимос қилди. Унинг бундай иш тутишидан ниҳоятда пихини ёрган маккора аёл экани кўриниб турибди. Агар ўзи ҳалиги кишининг олди-

га борса, юриш-туриши, гап-сўзи ва бошқа омиллардан кимлиги фош бўлиб, тақводор эркак ундан ўзини олиб қочиши мумкин. Чўри қизни юборганда эса аёлнинг кимлиги сир қолади. Бунинг устига, чўриси бор аёл обрў-эътиборли, шарафли ва кўчага чиқишни эп кўрмайдиган мастура аёл бўлса керак, деб ўйлайди одам. Гувоҳликка ўтишни сўраш ҳам савоб учун ҳар нарсага тайёр турган тақводор инсонни ишонтиришнинг осон йўли. Бузук аёлнинг ҳийласи иш берди.

«Эркак у (қиз) билан кетди. (Уйга киргач) у қайси бир эшиқдан кирса, қиз эшикни маҳкам беркитиб бораверди». Гувоҳликка ўтиб савобли иш қиласман, деган умидда тақводор эркак бузук аёлнинг чўри қизига эргашиб, унинг уйи томон йўл олди. Уйга етиб боргандаридан кейин ичкарига кира бошладилар. Ичкарида хоналар, хоналарда эшиклар кўп экан. Тақводор эркак ҳар бир эшиқдан ўтганидан сўнг чўри қиз ҳалиги эшикни маҳкамлаб, қайта очилмайдиган қилиб беркитиб борди. У бу билан ўз оймининг амрини бажарар, тақводор эркакни ўйдан қайта чиқиб кета олмаслик чорасини кўрар эди.

«Охири бир гўзал аёл ҳузурига етиб борди. Унинг олдида бир ғулом ва бир идишда хамр турар эди». Гувоҳликка ўтиб савоб касб қиласман, деган ниятда чўри қизга эргашиб келган содда тақводор юриб-юриб, кетма-кет эшиклардан ўтиб-ўтиб, ўзига оро бериб, кўрган кишининг кўзини қамаштирадиган сувратга кириб олган гўзал аёлнинг олдидан чиқди. Аёл ёлғиз ўзи эмасди. Унинг ёнида бир ёш қул-ғулом турарди. Нарироқда эса, бир идишда хамр ҳам қўйилган эди. Тақводор киши ҳайрон қолиб турган эди. Маккора аёл гапни чўзиб, имо-ишорали сўзлар танлаб ўтирасдан бирданига асл мақсадини айтиб қўяқолди. Аёл: «Аллоҳга қасамки, мен сени гувоҳликка чақирганим йўқ. Аммо сени менга яқинлик қилишинг ёки манави идишдаги хамрдан бир қадаҳ ичишинг ёхуд манави ғуломни ўлдиришинг учун чақирдим», деди».

Бузук аёл аввал тақводор кишига уни алдагани ҳақида хабар берди. «Аллоҳга қасамки, мен сени гувоҳликка чақирганим йўқ», деди. Унга ўхшаш устаси фаранглар кези келганда қасам ичишини ҳам жойига қўйишади. Шу билан бирга, ёлғон тўқиганини ҳам тан олишади. Ушбу бузук аёл ҳам шундок қилди. Аллоҳнинг номи ила қасам ичиб у кишини алдаганини юзига очиқ айтиди. Сўнгра асосий мақсадга ўтди: «Аммо мен сени менга яқинлик қилишинг ёки манави идишдаги хамрдан бир қадаҳ ичишинг ёхуд манави ғуломни ўлдиришинг учун чақирдим», деди».

Маккора аёл ушбу гуноҳларни тақводор кишига тақдим қилишда ҳам ўта нозик жойларигача ҳисобга олиб, усталик билан гапирди. Биринчи ўринга ўзининг

асосий мақсадини, яғни шаҳватини қондириш ишини қўйди. Мабодо “хўп” деб қолса, ҳеч қандай оворагарчиликсиз мақсад ҳосил бўлади, деб ўйлади. Иккинчи ўринга бир қадаҳ хамр ичиши қўйди. У идишдаги ҳамма хамрни ичасан, демади. Унда тақводор киши маст бўлиб қолиб, бошқа ишларни ҳам қилиб қўйишдан қўрқиб, айниб қолиши мумкин. Фақатгина бир қадаҳ ичасан дейилганда эса, эркак назар-писанд қиласлиги мумкин. Учинчи ўринга оғир ишни, ғуломни ўлдиришни қўйди.

Бу тақлиф тақводор кишини қийин ҳолга қўйди. Ушбу уч ишдан бирини қилишга мажбурсан, бошқа иложинг йўқ, дегандек қилди. Тақводор киши ўйланиб қолди. Қочиб кетай деса, барча эшиклар маҳкам беркитилганини ўз кўзи билан кўриб келди. Қочишнинг умуман иложи йўқ. Қаршилик кўрсатиш имкони ҳам йўқ. Бирорнинг уйида хилват жойда, уй эгасининг қул ва чўрилари орасида турибди. Зино қилай деса, катта гуноҳ қилган бўлади. Ғуломни ўлдирай деса, бегуноҳ бир жонни беҳудадан-беҳудага ўлдириш ҳеч мумкин эмас. Осони, бирорга зарар етмайдигани -- бир қадаҳ хамрни ичиш. Мажбурикдан бир қадаҳ хамрни ичса, ичибида-да. Кейин, тавба қилса, кечирилиб кетар. Ушбу фикрларни хаёлидан ўтказиб бўлиб: «Менга манави хамрдан бир қадаҳ ичир», деди».

У ўзича масалани ҳал қилишнинг энг тўғри йўлини топгандек бўлди. Бир қадаҳ хамрни ичади-да, қутилади. Аёл худди мана шу гапни кутиб турган эди. «Аёл унга ичирди». Ўзи айтганидек, бир қадаҳгина хамр ичирди. Ўша ичилган бир қадаҳ хамр эркакнинг ичига киргандан кейин унга ўз таъсирини ўтказа бошлади. Бир қадаҳ ичганидан кейин яна ичгиси келиб қолди. Эркак: «Менга яна беринглар», деди».

Энди бузук аёлнинг ўзига эмас, ўша ерда тургандарнинг ҳаммасига хитоб қила бошлади. Хамрдан кўпроқ ичиш пайига тушиб қолди. У хамрни ича-ича ўзини билмайдиган даражада маст бўлиб қолди. «Ўша ернинг ўзида у(аёл)га яқинлик ҳам қилди, жонни ҳам ўлдириди».

Мастлиқда билмай мазкура бузук аёл билан зино ҳам қилди. Ҳаддидан ошиб, мастлиқда қутуриб кетиб ғуломни ҳам ўлдириди. Ифлосликларнинг онаси бўлмиш хамрга яқин бўлгани учун ифлосликларнинг ҳаммасини қилди. Ҳа, азизлар, «Демак, хамрдан узоқда бўлинглар!» Ким унга яқинлашса ифлосликларнинг онаси, конига, уясига яқинлашган бўлади. Натижада кўп нарсалардан, ҳаттоқи, инсон учун энг азиз нарса бўлган иймондан ҳам ажраб қолиши мумкин.

«Аллоҳга қасамки, албатта, у абадулабад иймон билан жам бўла олмас». Хамр бор жойда иймон бўлмас, иймон бор жойда хамр бўлмас. Бу икки нарса бир-бирига мутлақо зид нарсалардир. «Агар иккиси жамланиб қолса ҳам бири иккинчисини чиқариб юборур». Шунинг учун ҳам Аҳли сунна вал жамоа ақидавий мазҳабида хамр ичувчи хамр ичганида иймони ташқарига чиқиб туради, дейилади.

Хамрнинг ёмонлиги ҳақида бундан ортиқ, бундан таъсирили огоҳлантириш бўлмаса керак. Аллоҳ таоло хамрга мубтало бўлган бандаларга инсоф берсин, уларни ифлосликларнинг онаси чангалидан қутқаришга ўзи ёрдам берсин.


Энди ижозатингиз ила иккинчи ривоят ҳақида ҳам икки оғиз шарҳ сўзлари гапириб ўтайлик. Унда «Жаннатга миннатчи ҳам, оқ қилинган ҳам, хамрни сурункали ичувчи ҳам кирмас», дейилган».

Ушбу ривоятда жаннатга кирмайдиганлар, яғни, дўзахга кирадиганлардан уч тоифаси ҳақида сўз кетмоқда.

1. Миннатчи. Ўзининг қилган яхшиликларини миннат қиладиган кишилар Қуръони каримда ҳам, Пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатларида ҳам кўпдан-кўп танқидларга учраганлар, уларга турли аламли азоблар ваъда қилинган. Бу ҳадиси шарифда эса улар жаннатга кирмасликлари таъкидланмоқда. Аллоҳ таоло: «Садақаларингизни миннат ва озор ила ботил қилманг», деган. Миннат қилиш ҳаромдир. Фақат ота ўз боласига, устоз ўз шогирдига ва эр ўз хотинига миннат қилса, уларнинг ҳақлари улуғлигидан жоиз ҳисобланади.
2. Оқ қилинган. Ота-онасига оқ бўлиш қанчалик оғир гуноҳ эканини гапириб ўтирумаса ҳам бўлади. Оқ бўлиш туфайли жаннатга кириш мумкин бўлмай қолишининг ўзи бу ишнинг нима эканини очиқ кўрсатиб турибди.
3. Хамрни сурункали ичувчи. Демак, хамрни сурункали ичиш ҳам миннатчи ва ота-онасига оқ бўлганнинг гуноҳи билан баробар экан. Шунинг учун ҳам уларга қўшилиб дўзахга кирап экан. Аллоҳ таоло бундай даҳшатли оқибатдан ўзи асрасин.

(“Хадис ва Ҳаёт”, 16-17-жузлар,
75-181-бетлар).





МУСУЛМОНЛАРГА ИНЖИЛ КЕРАКМИ?

Хозирги пайтга келиб дунёда мафкуравий кураш ғоят кескин бир паллага кирди. Фарб олами Ислом динининг музafferона юришини тўхтатиб қолиш учун бор имконият ва воситаларини ишга соляпти. Айниқса, миссионерларнинг мусулмон ўлкаларга “ғаразли сафарлари” мунтазам тус олди. Улар онги ҳали шаклланмаган ёки етарли билимга эга бўлмаган мусулмонлар ўртасида насронийлик фояларини тарғиб қилиш, шу йўл билан улар бирлиги ва тотувлигига раҳна солиш учун тинимиз тарғибот-ташвиқот олиб боришияпти. Бунинг меваси ўларок, айрим мусулмонлар ўртасида насронийлик динига ва Инжилга қизиқиш пайдо бўлгани сир эмас. Иш шунга бориб етдики, улар “Яхудий ва насронийлар ҳам бир Аллоҳга ибодат қилишади, мусулмонлар уларнинг пайғамбарлари Мусо ва Исо алайҳиссаломни Аллоҳнинг пайғамбарлари деб ишонишади. Шундай бўлгач, учала илохий дин ўртасидаги ихтилофларга чек қўйиш учун уларни бирлаштириб, ягона бир динга эътиқод қўйса бўлмайдими?” деб савол беришгача боришияпти. Булар хато ва ботил фикрлардир, мусулмонларда динларига шубҳа уйғотиш, уларни ҷалғитиш мақсадида тўқилган сафсаталардир. Фикримизни далиллаш мақсадида жанубий африқолик дин тарғиботчиси шайх Аҳмад Дийододнинг “Тошни ким суриб қўйган эди?” китобидан бир парчани эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

«Биз, мусулмонларга Аллоҳдан келган Ҳақни таниб олиш учун Инжил керакми?» деган савол туғилади. Мен бунга мъноли қилиб “ЙЎҚ!” дейман. Мусулмонларнинг ақидаси ғоятда ани:

- 1) Гуноҳ мерос бўлиб ўтиши мумкин эмас.
- 2) «Учлик» («Ота, Ўғил ва Муқаддас рұх») — бу уйдирма.
- 3) Ийсо алайҳиссалом Ҳудо эмаслар.
- 4) Аллоҳнинг ўғил ва қизлари йўқ.
- 5) Ийсо алайҳиссалом ҳеч ким томонидан ўлдирилмаганлар ҳам, хочга михланмаганлар ҳам.

Бу ақидалар Қуръони каримдаги кўплаб ояти карималарда очик-ойдин баён қилинган. Унда нима учун мусулмонлар ўзларининг ҳақликларига насронийларнинг Инжилини далил қилиб келтиришлари керак? Чунки болалигидан фояларни исбот талаб қилмай қабул қилишга ўргатилган кишиларга кўп дуч келамиз. Бугунги кунда насронийлар Ҳақни қидириб юрибдилар. Улар бугун бир неча аср аввал сўрашга журъат қила олмаган саволларини бермоқдалар.

Бу саволлар қўйидагилардир:

- 1) Ийсо алайҳиссалом Ҳудомилар?
- 2) Ионанинг мўъжизаси нима эди?
- 3) Инжил Парвардигорнинг Каломими?
- 4) Тошни ким суриб қўйган эди?
- 5) Ийсо алайҳиссалом ёлғончи эдиларми?

Насроний биродарларимизга айтаман: ахли китобга қаранг, Қуръони каримда улар қандай ҳурмат билан тилга олинган? Уларнинг тафаккурини икки минг йилдан буён чирмаб ётган занжирлардан қутилишга ёрдам бериш ҳар бир мусулмоннинг бурчидир. Буни бизга Қуръони карим ўргатади: “(Эй уммати Мұхаммад,) сизлар одамлар учун чиқарилган миллатларнинг энг яхшии бўлдингиз. Зоро сизлар яхши амалга буюрасиз. Исён – гуноҳдан қайтарасиз ва Аллоҳга иймон келтирасиз. Агар ахли китоб ҳам иймон келтирганда эди, ўзлари учун яхши бўларди. Улардан (Мұхаммад алайҳиссаломнинг ҳақ пайғамбар эканлигига иймон келтирган) мўминлари ҳам бор ва (лекин) уларнинг кўплари итоатсиз кимсалардир (Оли Имрон сурасининг 110-ояти).

Биз бу ва бошқа китобчаларимизда насронийларнинг ақидаларига раддия билдириш учун уларнинг энг нуғузли деб биладиган китоблари – Инжилдан ва унинг ўз мантиқидан фойдаландик. Аллоҳ таоло Зулжалоли вал-икром ўз маҳлукотларини ҳидоят қилиш учун шу усульнинг қўллади.

Қуръони карим мусулмонларга яхудий ва насронийларнинг «НАЖОТ ТОПИШГА» фақатгина ўзларининг ҳақлари бор, деган ақидаларини исботлаш учун далил келтиришни сўрашга буюради:

(Эй Мұхаммад алайҳиссалом) айтинг: «Агар ростгўй бўлсангиз, ҳужжатларингизни келтирингиз!» (Бақара сурасининг 111-ояти).

Насронийлар Инжилни мингдан ортиқ тилга таржима қилиб бўлдила, уни дунёнинг барча чеккаларига тарқатмоқдалар, дунё ҳалқларини қўрқитиб, уларни «БЕГУНОҲ ҚОН»га, Ийсо алайҳиссалом инсониятнинг гуноҳлари учун ҳалок бўлганига ва у зотнинг ягона ҳалоскор, нажоткор эканига иймон келтиришга унданмоқдалар. Бирок, буларнинг барчаси насронийларнинг ўз Муқаддас Китобларидағи очик-ойдин шаҳодатларга тескаридир. Биз уларни (насронийларни) бу саробдан ҳалос қилишга бурчлимиз, ва уларнинг бундай ақидаларини инкор қилиш учун уларнинг ўз қарашлари, ўз мантиқларидан фойдаланишдан яхши усул йўқдир.

Русчадан Озод таржимаси.

МУҲАРРАМ ОЙИННИНГ ФАЗЛИ



Йил алмашинувини нишонлаш, бунга атаб байрам уюштириш қадимдан кўпчилик халқларнинг одати, анъанаси бўлиб келган. Мисрликлар йил санасини ҳар бир сулоланинг ҳукмронлиги бошлинишидан ҳисоблашган бўлса, римликлар милоддан олдинги 753 йилдан, яъни Римга асос солинганидан бошлаб юритишган. Яхудийлар буни гўё дунё яратилган милоддан олдинги 3761 йилдан ҳисоблашган бўлса, Искандария солномаси олам яралишини милоддан олдинги 5493 йилдан бошлайди.

Тақвим ислоҳ қилингунга қадар Русияда янги йил византияликларнинг амалдаги йил ҳисоби бўйича 1 сентябрда нишонланган. Бу йил санаси "Оlamning яратилиши"дан, яъни милоддан олдинги 5509 йил 1 сентябрдан юритилар эди. Жон-жаҳди билан Русияни оврупалаштиришга интилган подшоҳ Пётр Биринчи ўзининг 1699 йил 15 декабрдаги фармони билан Русда йил бошини 1 январдан деб белгилади ва "Исо Масих таваллуди"дан бошланган Ғарбий Оврупа милодий санасини жорий этди.

Милод – луғатда «туғилиш» дегани. Ҳазрати Исо алайҳиссалом туғилганларидан бошланган деб ҳисобланувчи йил санаси «милодий йил» дейилади. Умуман Қуёш санаси (шамсий йил ҳисоби) биринчи марта мисрликлар томонидан татбиқ этилган. Мисрнинг илк қуёш тақвими милоддан олдинги 45 йилда Рим ҳукмдори Юлий Цезар томонидан олинган ва «Юлиан тақвими» деб номланган римча тақвим юзага келган. Милодий сананинг 1582 йилида эса бу тақвимни Папа Григор XIII ислоҳ қилиб, ҳозирги Григориан тақвимига асос солган. Милодий сана номига номувофиқ тарзда Исо алайҳиссалом мавлудидан (туғилишидан) саккиз аср кейингина насроний Оврупада қўлланила бошлаган. Ислом олимлари ҳисобига кўра, «Исо алайҳиссалом туғилган йил билан милодий сана орасида уч ёки тўрт йиллик катта бир тарихий хато бор». Мусулмонлар тақвим юритишда ҳижрий-қамарий сана ҳисобидан фойдаланишади.

Мусулмонлар ҳаётида эса ҳижрий йил санаси жорий этилган. Ҳижрий сана (йил) ҳисоби

Пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссаломнинг Маккадан Мадинаға ҳижрат қилишлари (күчишлари) дан ҳисоблана бошлаган ва 622 йилнинг 16 июлидан амалга киритилган. У ҳижрий 17 (милодий 638) йили халифа Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) томонидан жорий этилган. Ҳижрий йил ой ва қүёш кунлари асосида олиб боришишга қараб ҳижрий-қамарий ва ҳижрий-шамсий деб юритилади. Ҳижрий-қамарий йил 354 кечә-кундуз бўлгани учун йилига 11 кундан орқада қолиб, ҳар 33 йилда ҳижрий-шамсий санадан бир йил кам бўлади. Мұҳаррам, сафар, рабиъул-аввал, рабиъус-соний, жумадил-аввал, жумадис-соний, ражаб, шаърон, рамазон, шаввол, зулқаъда, зулҳижжа ҳижрий-қамарий сана ойлариdir.

Ҳижрий сананинг йилбошиси бўлмиш биринчи ойнинг номи “мұҳаррам” луғатда «уруш ҳаром қилинган, ҳурматланган» маъноларини билдиради. Ҳижрий-қамарий тақвим бўйича йилнинг биринчи ойи. Мұҳаррамнинг биринчи куни янги сананинг бошланиши ҳисобланади. Мұҳаррам – Аллоҳ таоло уруш ва жанжалларни, қон тўкишини ҳаром қилган тўрт ойнинг бири, унинг Аллоҳнинг ойи деган номи ҳам бор. Мұҳаррам ойи ражаб, зулқаъда, зулҳижжа ойлари каби “ҳаром ойлар” саналади. Бу ойда энг улуғ кунлардан Ашуро бор, у мұҳаррамнинг ўнинчи кунидир. Бу ойнинг тўққизинчи, ўнинчи кунлари рўза тутиш суннатdir.

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам “Рамазондан кейинги энг афзal рўза Аллоҳнинг мұҳаррам ойидаги рўзасидир, фарз намозидан кейинги энг афзal намоз тунги намоздир”, дедилар” (Имом Мұслим, Абу Довуд, Термизий, Насойи ривоят қилишган). Алидан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисда бундай дейилган: “Бир одам келиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан “Рамазондан кейин қайси ойнинг рўзасини тутишимни буюрасиз?” деди. У зот: “Агар рамазондан кейин рўза тутмоқчи бўлсанг, мұҳаррамни (нг рўзасини) тут. Чунки у Аллоҳнинг ойидир. Унда Аллоҳ бир қавмнинг тавбасини қабул қилган ва бошқа қавмларнинг тавбасини ҳам қабул қиласи”, дедилар” (Имом Термизий ривоят қилган).

Мұҳаррам ойида энг улуғ кунлардан Ашуро бор. Ойнинг ўнинчи куни шу ном билан машҳур бўлган. Ҳакам ибн Аъраждан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: “Замзам олдида ридоси устидан ёнбошлаб ётган Ибн Аббоснинг олдига бориб, “Менга Ашуро рўзаси ҳақида хабар бер”, дедим. У: “Мұҳаррамнинг ҳилолини кўрсанг санаб бор, тўққизинчи куни рўза тутган ҳолда тонг оттир”,

деди. Мен: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг рўзасини шундай тутармидилар?” деб сўрасам, у: “Ҳа”, деди” (Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насойи ривоят қилишган).

Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ашуро куни рўзасини тутдилар ва бу куннинг рўзасини тутишга буюрдилар. Одамлар: “Эй Аллоҳнинг Расули, бу кунни яҳудий ва насроролар улуғлашади”, дейишди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Келгуси йил келса, иншааалоҳ, тўққизинчи куннинг ҳам рўзасини тутамиз”, дедилар. Аммо келгуси йил келмай туриб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этдилар” (Имом Муслим ва Абу Довуд ривоят қилишган).

Яна шу кишидан ривоят қилинган ҳадисда келишича, “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ашуро рўзасини ўнинчи куни тутишга буюрдилар” (Имом Термизий ривояти).

Бу борадаги ҳадисларни жамлаб, ўрганиб чиқкан уламоларимиз мұҳаррам ойи тўққизинчи ва ўнинчи кунининг рўзасини суннат ҳисоблашади ва “Ашуро кунининг ёлғиз ўзида рўза тутиш макруҳдир”, дейишади.

Мұҳаррам ойида содир бўлган мұҳим воқеалар ушбулардир:

- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбарликларининг еттинчи, яъни милодий 616 йили Қурайшийлар Пайғамбарга ўчакишиб Ҳошимийлар билан ижтимоий-иктисодий муносабатларни узишди ва уларга қарши қамал эълон қилишди.

- Ҳижрий тўртингчи йили мұҳаррам ойида Бани Асад ҳодисаси рўй берди, яъни ушбу қабила Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши уруш очиш ҳаракатини бошлаган, шунда уларга қарши Абу Салама бошчилигидаги бир юз эллик нафар мусулмонлар гуруҳи юриш қилиб, уларни енгган.

- Ҳижратнинг еттинчи йили шу ойда яҳудийлар томонидан Ислом давлатига таҳдид солиб турадиган ҳарбий истехкомга айлантирилган Хайбарни фатҳ этиш бошланди.

- Яна шу йили мұҳаррам ойида Пайғамбар алайҳиссалом Византия, Форс, Миср, Ҳабашистон, Уммон, Яман, Баҳрайн, Ямома ҳукмдорларига Исломга даъват этиб расмий мактублар юбордилар.

- Саккизинчи ҳижрий йили шу ойда Пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссаломнинг қизлари Зайнаб бинти Мұхаммад (розияллоҳу анҳу) вафот этдилар.

АЛЛОҲ ЙЎЛИДА ДЎСТЛАШИШ


PHOTOGRAPHED BY FATOONHA

Қуръони каримда мўминлар ўзаро бир-бирларига дасту биродар эканликлари баён қилиниб: “Албатта, мўминлр динда ўзаро биродардирлар...” дейилган (Ҳужурот сураси, 10-оят). Агар бу дўстлик Аллоҳ учун бўлса, у яна ҳам мустаҳкам бўлади. Чунки, Аллоҳ розилиги учун бўлган дўстликка ҳеч қандай дунёвий ғараз аралашмайди. Бошқача қилиб айтганда, дунёвий ишлар юзасидан сан-манга бориб қолган тақдирда ҳам уларнинг дўстлигига путур етмайди.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда айтилишича, Расууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: “Аллоҳ таоло ҳеч қандай соя бўлмайдиган қиёмат кунида етти тоифа инсонларга Ўзининг архиси соясидан жой беради. Улардан бири Аллоҳнинг розилиги учун дўстлашган инсонлардир”, деганлар.

Бошқа бир ҳадисда эса: “Аллоҳ йўлида дўстлашган

инсонлар учун охиратда нурдан минбарлар барпо қилинади. Уларни кўриб ҳатто пайғамбарлар ва шаҳидлар ҳам ҳавас қиласидилар”, деб марҳамат қилганлар (Имом Термизий ривояти).

Дарҳақиқат, аҳли солих қишилар билан ошно бўлган инсон ҳеч қачон панд емайди. Бундай қишилар билан дўстлашиш нафақат дунёда балки, охиратда ҳам фойда бериши Қуръони каримда баён қилинган (Зухруф сураси, 67-оят). Шунингдек, бетавфикс, нодон инсонлар билан дўстлашиш дунёда шармандалик, охиратда эса хасрату надомат келтириши ҳам очик равшан баён қилинган (Фурқон сураси, 27-29-оятлар). Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ҳадисларида: “Киши ўз биродарининг динида бўлади”, деган бўлсалар, бошқа бир ҳадисда эса: “Сен ўзинг дўстлашаётган одамнинг хулқи атвори, унинг қандай

одам эканлигига эътибор бергин", деб марҳамат қилганлар. Халқимизда ҳам: "Сен менга дўстларинг кимлигини айт, шунда мен сенга қандай одам эканлигингни айтаман", деган бир гап бор.

Дарвоқеъ, бирор инсонга баҳо беришда унинг ёру биродарлари қандай одамлар эканлигига қаралади. Агар улар баобрў, дину диёнатли кишилар бўлса, ўзгалар назарида унинг ҳақида ҳам шундай фикр пайдо бўлади. Борди-ю, ошнолари Худони танимайдиган, бирорнинг ҳаққидан қўрқмайдиган, муттаҳам кишилар бўлса, уларнинг касофати туфайли биродари ҳам ёмон отлиқ бўлиши табиий. Шундай экан, мусулмон киши дунё ва охирати учун манфаатли бўлган инсонлар билан ошно бўлишга эътибор бермоғи лозим.

Ислом дини инсонларни доимо бир-бирлари билан яхши муомалада бўлишга буюрар экан, уларнинг муомалалини беғараз бўлиши учун ўзаро муносабатлари ҳам самимий бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Зеро, инсон табиатан киришимли қилиб яратилган, яъни у жамиятдан ажралиб, алоҳида яшай олмайди. Шундай экан, мўмин киши диний ва дунёвий ишларини тўғри йўлга қўйишда солиҳ дўсту ёрларни танлаши лозим.

ТИЛ – ҚАЛБ ТАРЖИМОНИ

Маълумки, қалб инсон ҳаётини учун зарур бўлган энг нозик ва ҳассос аъзодир. Шунинг учун ҳам динимиз таълимотида қалбни турли иллатлардан асрашга тарғиб қилинган. Қалбни асрашда инсон аввало тилига алоҳида эътибор бериши лозимлиги таъкидланган. Чунки, тил қалбга яқин жойлашган бўлиб, унинг ростгўй ва тўғрилиги ёки аксинча бўлишлиги қалбга таъсир ўтказади.

Барчамизга маълумки, Аллоҳ таоло инсонни ер юзига халифа қилиб яратиб, унинг фаровон ҳаёт кечириш йўлинни баён қилувчи илоҳий таълимотни нозил қилди. Бу таълимот инсониятни барча моддий ва маънавий иллатлардан тозалаб, уларнинг икки дунё саодатига мушарраф бўлишларига сабаб бўлади. Бу ҳақда Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади:

"Эй, одамлар! Сизларга Раббингиздан ваъз (насиҳат), диллардаги нарса (ширк ва бошқа иллатлар)га шифо ва мўминларга ҳидоят ва раҳмат келди" (Юнус сураси, 57-оят).

Ҳикоя қилишларича, олис бир қишлоққа бир гурӯҳ табиблар зиёратга боришиб, зиёрат асносига ерлик аҳолини муолажа қилмоқчи бўлишибди. Табиблар шикоят билан келган беморларга бирма-бир ташхис қўйиб, муолажа қилишибди. Ажабланарлisisи шундаки, табиблар шунча беморнинг орасида бирорта ҳам қалб касаллигидан шикоят қилиб келган беморни учратишмабди. Илгари бундай ҳолатга дуч келмаган табиблар ҳайратланишиб, бу қишлоқ аҳолиси қалб касаллигининг бирорта ҳам туридан оғримаслигининг сабабини ахтара бошлишибди. Ўзларича, балки бу қишлоқнинг ҳавоси тозадир, ёки суви шифобахшдир, ёки яна бошқа файритабиий жиҳатлари бормикан, деб ўйлашибди. Аммо, бирорта ҳам таҳминлари тўғри чиқмабди. Ниҳоят

улар бунинг сабабини қишлоқ аҳолисининг ўзидан сўрашга мажбур бўлишибди. Шунда, ўша қишлоқ ҳалқининг кексалари: Бизлар мусулмонмиз. Динимизда фийбат, ҳasad, кўраолмаслик, бирорга нисбатан кек ва адловат сақлаш каби иллатлар ҳаром қилинган. Шунинг учун биз мазкур иллатлардан ҳазар қиласиз, бирор кимсага нисбатан бундай муносабатда бўлмаймиз. Аксинча, ўзаро ҳурмат ва иззатда яшаймиз. Ана шунинг учун ҳам бирортамизинг қалб касаллигидан шикоятимиз йўқ, деган эканлар.

Маълумки, Аллоҳнинг инсонга берган энг улуғ неъматларидан бири тилдир. Тил инсонларнинг ўзаро муомалаларида фикрларини баён қилишлари, ички кечинмаларини ифодалашлари учун, қолаверса Аллоҳни зикр қилиш, Қуръон тиловат қилиш, одамларни ҳидоят ўйлига чақириш каби Аллоҳ рози бўладиган ўринда ишлатиш учун берилгандир. Тил инсоннинг ақл идроқи ва маънавиятини намоён қилувчи асосий аъзодир. Шунинг учун ҳам Гайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Мўмин кишининг тили қалбининг орқасида бўлади. Мунофиқнинг тили эса қалбининг олдида бўлади. Мўмин киши аввал ўйлаб кейин сўйлайди. Мунофиқ эса, аввал сўйлаб кейин ўйлайди", деганлар. Халқимизда ҳам "Аввал ўйла, кейин сўйла" деган мақол бекорга айтилмаган.

Тил инсон аъзолари ичидаги энг кичиги бўлишига қарамай, у бошқа аъзолар қила олмайдиган ишларни қилишга қодирдир. Тилнинг тўғри бўлишлиги бошқа аъзоларнинг иши яхши бўлишлигига сабаб бўлади. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларининг бирида: "Банданинг имони мукаммал бўлмайди, токи қалби тўғри бўлмагунча. Қалби тўғри бўлмайди, токи тили тўғри бўлмагунча", деб марҳамат қилганлар.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда: "Эй мўминлар! Аллоҳдан қўрқингиз ва тўғри сўзлангиз! (Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират этар...", деган (Аҳзоб сураси, 70-71-оятлар).

Бошқа аъзоларга қараганда тилнинг имконияти кенг бўлганлиги боис, динимиз таълимотида тилга алоҳида эътибор билан қаралади. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: "Ким менга икки жағи ва икки оёғи орасидаги нарсани сақлашга кафолат берса, мен унга жаннатга киришни кафолат бераман", деб марҳамат қилганлар.

Юқоридагилардан хуласа қилиб айтиш мумкинки, инсоннинг инсонийлиги унинг тилига қай даражада эътибор беришига боғлиқ экан. Зеро, Аллоҳ таоло Ўзининг "мутакаллим", яъни сўзлагувчи деб аталмиш сифатидан башариятга ҳам озгина улуш берган экан, инсонлар буни катта неъмат деб билиб, ундан фақат хайрли мақсадда фойдаланмоқлари лозим.

**Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ,
Тошкент шаҳридаги "Хўжа Аламбардор"
жомеъ масжиди имом-хатиби,
"Йил имоми – 2011" кўрик-танлови голиби**

АЛЛОХ

ТАОЛОННИНГ “МАКР”И



Аллоҳ таоло бундай марҳамат этади: “Улар макр (ҳийла) қилдилар. Аллоҳ ҳам макр (ҳийла) қилди. Аллоҳ макр (ҳийла) қилувчиларнинг «зўри»дир. (Оли Имрон сураси, 54-оят). Ушбу оятнинг шарҳида “Тафсири Ҳилол”да қўйидагилар келтирилади: “Маълумки, макр (ҳийла) ёмон сифатдир, уни Аллоҳ таолога нисбатан ишлатиб бўлмайди. Лекин араб тили қоидаларида «мушокала» деган қоида бор. «Мушокала»нинг луғавий маъноси «шаклда ўхаш бўлиш»дир. Балоғат қоидаси бўйича, маънолари ҳар хил бўлган баъзи бир ишларга нисбатан бир хил сўзларнинг ишлатилишига «мушокала» дейилади. Бану Исроил Ийсо алайҳиссаломни хочга осишни ва ўлдиришни хоҳлаб, қўлларидан келган макр-ҳийлаларни қилдилар. Аллоҳ эса у кишини қутқаришни ва йўзига кўтаришни ирова қилди. Аллоҳнинг тадбири амалга ошиди. Маккор яхудийларнинг ҳийласи ўтмади”. Ислом дини инсониятга юборилган охирги дин бўлгани учун Куръони каримнинг ҳукмлари ҳам қиёматгача боқийдир. Буни бугунги кун мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Сир эмаски, Farb олами Америка бошчилигида Ислом ва мусулмонларга қарши ҳар-хил ҳийла-найранг ва фитна-қабоҳатларни ўюштириб келишяпти. Бу борада улар турли макр-ҳийлаларни қилиб кўришмоқда. Бунга сабаб, аввало мусулмонларнинг заифликлари, ўз динларини ҳимоя қилишга оқизликлариdir. Балки, энг асосий сабаб уларнинг тарқоқликлари, илмсизлик туфайли ғанимлар фитнасига осонгина учишлариdir. Нима бўлганда ҳам ҳозирда Ислом олами куч-қудрати ва бойлигига қарамай заиф ҳолдадир. Бундан эса асосан насроний олами, қолаверса уларнинг тизгинидаги янги мустамлакачилар «усталик» билан фойдаланиб қолишга ҳаракат қилмоқда.

Ха, айнан фойдаланиб қолмоқчи бўлишяпти. Лекин улар бир муҳим нарсани – Исломни бандаларига рози бўлиб туширган, уни ҳар қандай ҳолатда ҳам асрар қоладиган Эгаси бўлмиш Аллоҳ борлигини унугтан кўринишади. Farb олами Аллоҳнинг нури бўлмиш Исломни таг-туғи билан йўқ қилиш истагидадир. Бу борада у тұхмат ва фитнанинг ҳеч бир туридан парҳез

қилиб ўтирамайди. Гоҳ Ислом ҳақида ҳар хил номақбул сўзлар тарқата бошлайди, гоҳ охирзамон Пайғамбари ҳақида куракда турмайдиган тұхмат ва бўхтон ўشتариади. Гўёки Ислом душманлари бу билан Аллоҳнинг нурини оғизлари ила «пуфлаб» ўчирмоқчи бўлишади. Аллоҳ эса уларга жавобан: “Улар Аллоҳнинг нурини (яъни Исломни) оғизлари (яъни ҳеч қандай ҳужжатсиз беҳуда гаплари) билан ўчирмоқчи бўладилар. Аллоҳ эса – гарчи (коғирлар) ёмон кўрсалар-да – ўз нурини комил қилишни (яъни ҳар тарафга ёйишни) истайди” (Тавба сураси, 32-оят). Улар гўё Исломни қоралаб, бу дин ва мусулмонлар ҳақида турли-туман бўхтон, ёлғон-яшиқ гаплар тарқатиб, макр-ҳийла ишлатган бўлишади. Аммо Аллоҳ ҳам уларга атаб макр тайёрлаб қўйган бўлади. Натижажа эса нима билан тугаётганини ҳозир сизлар билан ўрганиб чиқамиз.

Аввало улар Ислом динининг ўзига осилиб кўришди. Қўлларидан келганча уни қоралаб, ёмонлаб кўрсатмоқчи бўлишди. Бу борада ҳеч қандай бўхтон-тұхматлар тарқатишдан тап тортишмади. Эмишки, Ислом эскилиқ сарқити эмиш. Бу дин бойлар ва зўрлар томонидан оддий ҳалқни эзиш учун “ўйлаб топилган”миш. Унга ақлсиз, маданиятдан ортда қолганларгина эргашармиш. Улар Исломни ҳатто «эскича» деб номлаб, ҳалқ онгига сингдира бошлишади. Улар наздида Ислом илмга, маърифатга батамом зид эмиш. Исломга эргашганларнинг бари илмсиз, оми, қолоқлар эмиш. Шу каби ёлғонлар билан оламга тинмай жар солишиди. Бунинг учун бор мағкура усуllibаридан – телевидение, радио, кино, газета, журнал каби оммавий ахборот воситаларидан кенг кўламда фойдаланишди. Турли-туман китоблар нашр қилишди. Мақсадга эришиш йўлида ҳар қанча маблағни аямай сарф қилишди. Улар ўзларининг бу ҳаракатларидан хурсанд эдилар. Шу йўл билан Исломни батамом йўқ қилиб юборамиз, деб ўйлаган эдилар. Исломга бирор кимсанинг кириши у ёқда турсин, ҳеч ким бу диннинг ёнидан ҳам ўтмайди, дея хомхаёл суришган эди.

Бу уларнинг макру ҳийлаларидан бир кўриниш эди, холос. Хўш, бор воситаларни ишга солиш, қанчалаб

куч ва маблагни совуриш, шунча ҳаракат ва фаолликлардан кейин нимага эришишди?! Ҳеч нарсага! Аксинча, эришганлари ҳам ўзлари ёқтиргмаган нарсалар бўлди. Оммага қанчалар ёлғон сўзлашмасин, одамларни Исломдан қайтаришга қанчалар уринишмасин, ўйлаганларининг, режаларининг акси бўлди: инсонлар Исломга янада қизиқиб, гуррас-гуррас кира бошлаши. Аллоҳ уларнинг Исломга қарши йўналтирган, одамларни Исломдан қайтаришга қаратилган барча ҳатти-ҳаракатларини Исломга бўлган даъватга айлантириб қўйди. БУ АЛЛОҲНИНГ “МАКР”И ЭДИ.

Энди уларнинг Исломни ёмонотлиқча чиқариш учун қилган ҳаракатлари фойда, манфаат бермагач, унинг пайғамбари Мұхаммад мустафога (соллаллоҳу алайҳи васаллам) осила кетиши. Эмишки, у ёлғончи, иззатталаб, шаҳвоний хирсларга берилган бир кимса экан. Ўз шаҳватини қондириш йўлида ҳар нарсани қилган эмиш. Ҳатто тутинган ўғлининг хотинига ишқи тушгач, уни ажратиб олиб ўзи уйланган эмиш. Шу каби ёлғон, таги йўқ, аслида мутлақо бўлмаган, тухмат-бўхтонга тўла гапларни тарқатиб, у зотнинг шаънини булғамоқчи, “Ҳой мусулмонлар, шундай ахлоқсиз одамга эргашиб юрибсизларми?” дегандай одамларни Исломдан тўсмоқчи бўлишди. Афтидан, улар одамларни ўзлари каби, ақлсиз, фахм-фаросатсиз дея гумон қилишган, шекилли!

Улар бу йўлда ҳеч нарсадан тортиниб ўтиришмади, қанча-қанча маблагни аямай сарф қилишди. Ҳар доимидек ўз ҳаракатларидан хурсанд эдилар. Бу уларнинг яна бир ҳийла-найранги эди. Натижа эса... улар кутганидан бошқача бўлди. Одамлар Ислом элчиси Мұхаммаднинг (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳаётларини, у зот келтирган таълимотларни ўрганишини бошлаб юбориши. У зот ҳақларида қанча маълумотга эга бўлишса, Пайғамбарга меҳрлари, мұхаббатлари шунча оша бошлади. Ҳатто уларнинг ичидан бир киши (Майкл Х. Харт) отилиб чиқди. У дунёда улкан из қолдирган буюк кимсаларнинг рўйхатини тузиб, биринчи ўринга Аллоҳнинг элчиси, комил хулқ эгаси, коинот фахри, оламлар сарвари Мұхаммад sollalho'у алайҳи васалламning номларини қўйса бўладими! Яна ўша ҳолат – ҳамманинг тилида Ислом ва унинг пайғамбари, яна кўпчиликнинг Исломни ҳақ дин дея эътироф этиб, мусулмонликни қабул қилиши...

Шу орада бир давлатда (Дания) ҳамма тинчгини яшаб, ҳамма ўз динига эътиқод қилиб юрувди. Фуқаролар тинч, осуда ҳаёт кечиради. Ораларидан бир фитначи чиқиб, биз ҳам Исломни йўқ қилишга бир уриниб қўрайлик-чи, деди чоғи, охирзамон Пайғамбари Мұхаммад sollalho'у алайҳи васалламни расмда ҳақоратомуз ифодаламоқчи бўлди. Аммо унинг бу фитнаси ҳам тескари натижа берди: бу уринишлар дунё ҳалқлари ичидаги Исломга энг кам қизиқаётган данияли-

кларнинг, Скандинавия ўлкасидаги бошқа ҳалқларнинг Исломга қизиқиши ниҳоятда ортиб кетиши ва минглаб насроний кишиларнинг мусулмон бўлиши билан якун топди. Икки йил мобайнида шу давлатнинг юз мингга яқин аҳолиси Ислом динига кирди. Улар макр қилмоқчи бўлишган эди, аммо Аллоҳнинг иродаси бундан устун чиқди. БУ ЭСА АЛЛОҲНИНГ ЧИНАКАМ “МАКР”И ЭДИ.

Аламзада ғанимларнинг Исломни унинг пайғамбари орқали қоралаб, ёмонотлиқ қилишлари натижа бермагач, энди аёлларга осила кетиши. Эмишки, Ислом аёлларни инсон ўрнида кўрмас эмиш. Уларнинг ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқлари йўқ эмиш. Мусулмонлар аёлларини тўрт девор ичига қамаб, ҳижоб ўратиб, уйдан чиқармасмиш. Аёл зотини фақат ва фақат хорлармиш. Ҳасад ва алам чирмаб ташлаган ғаразгўйлар ўзларича зўр мавзу топган бўлишди. Энди Исломнинг заиф нуқтасини топдик, дейиши. Шу тариқа ёмонлайверсак, Исломга ҳеч ким яқин йўламас, деб ўлашди. Бу йўлда миллионлаб доллар, евро маблагни аямай сарф қилишди. Улар, ҳар галгидек, ўз ҳатти-ҳаракатларидан ва қилмишларидан хурсанд бўлишди. Бу гўё уларнинг ўзларича ўйлаб топган ҳамда амалга оширган энг самарали ва даҳшатли макр-найранглари эди.

Муттаҳам ғанимлар яна алданиб қолиши, кутганинг фирт тескариси бўлди. Макр-ҳийлалари туфайли Исломга киришда ҳозиргача эркаклардан ортда қолиб келаётган Ғарбдаги аёлларнинг эркакларга етиб олиб, ҳатто ўзиб кетишли билан якун топди. Ҳа, айнан аёллар шу «чақириқ»قا лаббай деб жавоб бериши. Дунё оммавий ахборот воситаларининг статистик хабарларига кўра, ҳозирги пайтда Исломни қабул қилаётганларнинг 70 фоизини айнан аёллар ташкил қилган. Исломга кирганларнинг 80 фоизи эса айнан насронийликни тарқ этиб, Исломга ўтган экан. БУ ҲАМ АЛЛОҲНИНГ “МАКР”И ЭДИ.

Шу далилларнинг ўзи етарли бўлса керак! Ушбу мақоламиизда ҳеч қандай шарҳларга ва исботларга тўхталиб ўтиргадик. Бирор кишига раддия ё норозилик ҳам билдирамадик. Фақат Аллоҳнинг бундан ўн беш аср олдин нозил қилган оятининг дунё ҳаётидаги тантанаси қай тарзда кечаётганини кўрсатиб қўймоқчи бўлдик. Яна бир бор ҳар нарсага қодир Аллоҳнинг ушбу сўзларини эслаб, мақолага якун ясаймиз: Албатта улар ҳийла-найранг қиласлар. Ва Мен ҳам ҳийла қилурман. Мұхлат бер кофирларга, уларга озгина мұхлат бер (Яни, шошилманг. Уларга ҳийла-найранг қандай бўлишини оз фурсат ичидаги кўрсатиб қўйман).

Хайруллоҳ ҲАБИБУЛЛОҲ.




Абу Абдуллоҳ Амр ибн Осс ибн Воил ас-Саҳмий (розияллоҳу анху) улуғ саҳобалардан бўлганлар. Ясирига кўчиш воқеасидан эллик йил олдин Маккада туғилганлар, Қурайш қабиласидан. Мувавия, Муғирия, Зайд каби арабларнинг тўрт буюк даҳоларидан бири эди. Амр Исломга кирмасидан олдин Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ашаддий душман бўлган. Бироқ Ҳандақ ғазотидан кейин бу кишида кескин ўзгариш содир бўлди. Макка фатҳидан ярим йил аввал Холид ибн Валид, Усмон ибн Талҳа билан Мадинага кўчиб бордилар. Расули акрам ҳузурларида шаҳодат калимасини айтиб, аввалги гуноҳлари авфини сўрадилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) унга бир неча вазифаларни ишониб топширдилар. Макка фатҳидан сўнг Ўрдун ҳукмдори олдигага элчи қилиб жўнатдилар. У киши Пайғамбаримиз вафотларигача ўша ерда волий (ҳоким) бўлдилар. Миср эгаллангач, унга волий этиб тайинландилар. Расули акрамдан 39 та ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 43 (милодий 664) йили Мисрда вафот этганлар, қабрлари Жабали Муқаттамда.

Амрнинг отаси Осс ибн Воил Саҳмий Қурайш қабиласи ичидаги энг обрўли Бани Саҳм уругининг кўзга кўринган арబбларидан эди. "Фил ҳодисаси"дан тўрт йил ўтганда унинг хотини Набиға бинти Хармала ўғил туғди. Унга Амр деб исм қўйиши. Амр Қурайш зодагонларидан бири фарзанди сифатида яхши тарбия топди. Осс ибн Воил қабиласининг юқори мартабали кишиларидан бўлишига қарамай, унда жоҳилият жамиятининг турли ёмонликлари керагича бор эди.

Аллоҳ таоло Мұхаммадни (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Пайғамбар этиб юборганида Осс ибн Воилнинг барча разилликлари юзага чиқди. У Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ва Исломга тиш-тирноғи билан қарши турди. Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ўғил фарзандлари турмаганини рўйкач қилиб, Осс ибн Воил ва унинг шериклари мусулмонлар раҳбарига тұхмат қилиши. бу билан Ислом обрўсини тўкишга уриниши. «Мұхаммаднинг орти кесик, ишини давом эттирадиган ўғил фарзанди йўқ. У вафот этганидан сўнг ҳамманинг ёдидан чиқиб кетади», дейишгача бориши. Ана шунда Аллоҳ таоло Ўз ҳабибига тасалли бериб, душманларга раддия сифатида Кавсар сурасини нозил қилди: "Албатта, Биз сизга Кавсарни ато этдик. Бас, Раббингиз учун намоз ўқинг ва құрбонлик қилинг. Албатта, ғанимингиз ўзининг орти кесик".

Исломга ашаддий душманлардан бирининг ўғли сифатида Амр ҳам Исломга ғаним бўлиб ўсади. Мұхаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Пайғамбар

АМР ИБН ОСС



бўлганларида Амр ибн Осс ўттиз олти ёшда эди. У Макка мушриклари зулмидан қочиб, Ҳабашистонга борган мусулмонларни Ҳабашистон пошохига ёмонлаб, қайтариб келиш учун юборилган икки Қурайш элчисининг бири бўлди. Амр ибн Осс кейин ҳам ўз ишлари билан тез-тез Ҳабашистонга бориб турди. У ҳар борганида Нажоший билан кўришиб, сухбат қуарә эди. Охирги боришида улар сухбати Му-ҳаммадга (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бориб та-қалди. Шунда Ҳабашистон подшохи Амрдан нега Аллоҳнинг ҳақ Расулига эргашмай юргани ҳақида сўради. Бунга Амр: "У шундай эргашиладиган кишими?" деган савол билан жавоб берди. Подшоҳ: "Ҳа, Амр, сен унга итоат қил, эргаш! Аллоҳга қасам, у ҳақ устидадир! Албатта, у ўзига қаршилик қилганлардан устун келади!" деди.

Бу гаплар Амрга қаттиқ таъсир қилди. У шошиб юртига жўнади. Аллоҳ таоло Амр қалбига Ислом муҳаббатини солиб қўйган эди. У тўғри Мадинаи мувавварага йўл олди. Йўлда ўзига ўхшаш яна бир араб улуғи Холид ибн Валидга дуч келди. У ҳам мусулмон бўлиш учун Мадинага, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига кетаётган экан. Уларга Усмон ибн Талҳа ҳам қўшилди. Учовининг Мадинага келаётганини эшитган Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ниҳоятда хурсанд бўлдилар.

Имом Муслим Амр ибн Оснинг (розияллоҳу анҳу) мусулмон бўлиши ҳақида унинг ўзидан қуийдагиларни ривоят қиласди: «Мендан кўра Расууллоҳни (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ёмон кўрадиган, агар қўлимга тушсалар ўлдирмай қўймайдиган одам бўлмаса керак, деб ўйлардим. Аллоҳ таоло қалбимга Исломни солиб қўйганида Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам) олдиларига бориб: "Кўлингизни беринг, аҳд-паймон қиласай", дедим. У зот қўлларини узатдилар, шунда қўлимни тортиб олдим. У зот: "Сенга нима бўлди, эй Амр?!" дедилар. "Шарт қўймоқчи бўлдим", дедим. "Нимани шарт қўясан?" дедилар. "Мағфират қилинишишни", дедим. "Ислом ўзидан олдинги нарсани ювиб юборишини, кўчиш ўзидан олдинги нарсани ювиб юборишини билмасмидинг?" дедилар. Шу соатдан бошлаб менга Расууллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи васаллам) севимлироқ одам бўлмай қолди. Мен учун у зотдан улуғроқ бирор одам йўқ эди. У зотни шунчалар улуғлаганимдан юзларига тик қарашга ботинмас, шунинг учун таҳрифларини қилиб бера олмас эдим». Амр ибн Оснинг мусулмон бўлиши саккизинчи ҳижрий санада, Ҳудайбия сулҳидан ке-тайн, яна ҳам аниқроғи, Хайбар воқеасидан сўнг бўлди.

Амр ибн Осс (розияллоҳу анҳу) Исломга кирганидан бошлаб доимо Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга бўлишга ҳаракат қиласди. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккани фатҳ қилишга от-

ланганларида Амр ибн Осс ҳам у зот билан бирга эди. Оламлар сарвари Байтуллоҳдаги машҳур бутлардан Сувоъни бузишни унга топширдилар. У буни қойиллатиб бажарди. Амр ибн Осс Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларида борган сари юқори мартабага кўтарила борди. Расули акрам Уммон подшохини Исломга тарғиб қилиб, мақтуб юбормоқчи бўлганларида бу ўта муҳим вазифани ҳам айнан Амр ибн Осса ишониб топширдилар. Уммонга Расууллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) элчиси бўлиб келган Амр ибн Осс у зотнинг Уммон диёридаги волийлари (ҳоким) бўлиб қолди. Кейин У Ярмуқ жангига, румликлар мағлуб бўлган Ажнодайн воқеасида, Миср фатҳида катта жасорат ва тадбиркорлик кўрсатди.

Амр ибн Осс (розияллоҳу анҳу) Исломга кеч кирган ва мусулмон ҳолида Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам) билан бирга атиги уч йилча бирга юрган бўлса ҳам, у зотнинг таҳсилларига сазовор эди. Йигирма йил давомида Исломнинг ашаддий душмани бўлиб юрган одамнинг бирданига Ислом фидокорига айланиши ва охирзамон Пайғамбаридан (соллаллоҳу алайҳи васаллам) мақтовлар эшлиши ҳақиқатда Ислом мўъжизаси эди. Бунга бир неча ҳадиси шарифлар далилдир:

Уқба ибн Омирдан (розияллоҳу анҳу) Имом Термизий ривоят қиласди: "Расууллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)": "Одамлар мусулмон бўлишиди, Амр эса мўмин бўлди", дедилар». Чунки ўшанда кўпчилик Ислом устун келганидан сўнг қўрқиб, ноиложлиқдан Исломга киргани ҳолда, Амр ибн Осс бутун вужуди билан ҳақиқатни англаб етиб, чин қалбдан имон келтирган эди. Талҳа ибн Убайдуллоҳдан (розияллоҳу анҳу) Имом Термизий ривоят қиласи бошқа бир ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом: "Албатта Амр ибн Осс Қурайшнинг солиҳларидандир", деганлар. Ибн Адий келтирган ривоятда Жобир (р.а.) Расууллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи васаллам): "Эй Аллоҳим, Амр ибн Осси мағфират қил", дея уч марта айта туриб, "Мен уни садақа келтиришга ча-қирсам, олиб келар эди", деганларини эшитганман", дейди. Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу) Амр ибн Осси Шом фатҳига юбораётib, унинг улови ёнида юриб бораркан, унга бундай насиҳат қиласди: "Эй Амр, ичингда ҳам, ташингда ҳам Аллоҳдан қўрқ! У Зотдан ҳаё қил! Чунки У Зот сени ҳам, амалингни ҳам қўриб турувчиидир. Мен сени сендан кўра пешқадам кишилардан ҳам, сендан кўра ҳақлироқлардан ҳам устун қўйганимни қўриб турибсан. Сен охират учун амал қилувчилардан бўл ва амалинг билан Аллоҳ розилигини истовчилардан бўл. Ўзинг билан бирга кетаётганларга худди отадек бўл. Одамларнинг ички сирини очма, уларнинг таши билан кифоялан. Ишингда жиддий бўл. Агар душман билан тўқнашсанг, собит тур, қўрқма. Ҳаддан ошадиганлардан эҳтиёт бўл ва улардан ҳимоялан. Шерикларингга

ваъз қиласиган бўлсанг, қисқа қил. Агар ўзинг солиҳ бўлсанг, одамларинг ҳам солиҳ бўлишади".

Миср фатҳи чоғидаги воқеа ҳозиргача тарихчиларни ва умуман инсонларни ҳайратга солиб келади. Амр ибн Осс (розияллоҳу анҳу) бошлиқ лашкарлар Мисрга кириб боргач, у Миср ҳалқига сулҳ тақлиф қилиб, қуйидаги аҳдномани ёзиб берган: "Бисмиллахир роҳманир роҳийим! Ушбу Амр ибн Осснинг Миср аҳли жонлари, моллари, миллат (дин)лари, черковлари, хочлари, қуруқликлари ва сувлари учун берган омонлигидир. Уларнинг мазкур нарсаларига бирор аралашув бўлмайди, камситилмайди ва улар билан нубийлар (Нуба водийидаги қоратанли қавм) билан бирга яшамайди".

Миср аҳли, агар ушбу сулҳга биноан жизя (солик) беришга келишса, дарёлари тўла бўлиб турганида эллик минг дирҳам тўлашади. Ўғрилари қилган жиноят ҳам улар зиммасида бўлур. Агар улардан кимлардир буни қабул қилишдан бош тортадиган бўлса, жизядан ўшалар миқдорича камайтирилади. Ким бош тортса, у биздан соқит бўлади. Агар дарёлари суви озаядиган бўлса, ўшанинг миқдорича улардан (жизя) камайтирилади. Румликлардан ва нубийлардан ким ушбу сулҳга кирса, унга ҳам ушбу имтиёз ва мажбуриятлар жорий бўлур. Ким сулҳдан бош тортиб, бошқа томонга кетишни ирова қилса ёки салтанатимиздан чиқмоқчи бўлса, у хавфсиз жойга етиб олгунича бизнинг омонликдир. Уларга (мисрликларга) вожиб бўлган нарсанинг учдан бири ўшаларга ҳам вожиб бўлур. Ушбу ёзилганларга Аллоҳ аҳди ва зиммаси, Унинг Расули зиммаси, мўминлар амири зиммаси ва мўминлар зиммаси бордир. Ёрдам беришга рози бўлган нубийликларга жанг қилмасликлари, ички ва ташқи тижкоратдан ман қилинмасликлари шарти ила бир неча бош от ва чорва моллари берилади. Бунга Зубайр ва унинг икки ўғли Абдуллоҳ ва Муҳаммад гувоҳ бўлишди. Вурдон ёзди".

Ушбу ҳужжатдаги жизяни ҳисоблаб чиқсан уламолар унинг миқдори ҳар бир одамга йилига бир динорнинг ўндан бирича тўғри келганини таъкидлашади. Шунда мусулмонлар Амрнинг фустоти, яъни, чодири атрофига ўз фустотларини ўrnата бошлашади. Шу тариқа ҳозиргача номи сақланиб келаётган Қоҳиранинг Фустот тумани пайдо бўлади. Амр ибн Осс кўп йиллар Миср волийи бўлиб турди.

Иbn Абдул Ҳакам Лайс ибн Саъдан ривоят қилади: "Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу раҳбарлиги даврида Мадинада қаттиқ очарчилик бўлди. Шунда Ҳазрати Умар Мисрдаги Амр ибн Оссга бундай мактуб ёзди: "Аллоҳ бандаси, мўминлар амири Умардан Осий ибн Осийга. Салом! Аммо баъд, умрим ила қасам, эй Амр, ўзинг ва сен билан бўлганлар тўқ юришсаю, мен ва мен билан бўлганлар ҳалокатга учраса ҳам ишинг йўқми?! Ёрдам! Ёрдам!"

Амр ибн Осс унга бундай мактуб ёзди: "Аллоҳ бандаси, мўминлар амири Умарга Амр ибн Оссдан. Аммо баъд, лаббайка! Яна лаббайка! Сизга бир карvon юбордим. Унинг боши сизнинг ҳузурингизда, охири менинг ҳузуримда. Вассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу".

Амр катта карvon юборди. Унинг боши Мағдинаға етиб борганида охири Мисрда эди. Туялар бир-бирига уланган эди. Умар Мадинадаги ҳар бир ўй аҳлига бир түяни ва устидаги таомини берди. Волий Абдурраҳмон ибн Афв, Зубайр ибн Аввом ва Саъд ибн Абу Ваққосни (розияллоҳу анҳум) карвондаги нарсаларни одамларга тақсимлаб бериш учун юборганди. Улар ҳар бир хонадонга бир түяни устидаги таоми билан беришди. Очарчиликка учраган мадиналиклар овқатни ейиши, туяларни сўйиб гўштидан фойдаланиши, ёғини эритиб олиши, терисини пойабзal қилиши, ҳатто таом тугилган матоларни ҳам рўзгорда ишлатиши. Шундай қилиб, Аллоҳ таоло одамларга кенгчилик ато қилди". Шу тариқа Амр ибн Осс (розияллоҳу анҳу) Ислом тарихида биринчи бўлиб инсонпарварлик ёрдами уюштирган эди. У киши ташкил қилган бу мислсиз ёрдам мусулмонларни катта машаққат ва танглиқдан кутқарган эди.

Амр ибн Осснинг фазилатлари кўп эди. Амр ибн Осси машҳур қилган хислатларидан бири унинг сермаъно, ҳикматли сўзларни кўп айтганидир. Бунга мисол тарзида Муовия ибн Абу Суфённинг (розияллоҳу анҳу) балоғат, сабр, сахийлик ва шижоат ҳақидаги саволларига у киши берган жавобларни келтириш кифоя: Муовия Амр ибн Осса: "Балоғат нимадир?" деди. "Ортиқча гапни тарқ қилиб, қисқаси билан кифояланиш", деди Амр. "Одамлар ичидан сабрлиси ким?" "Ҳамиша фикран ҳавои нафсига қарши бўлгани". "Одамларнинг сахийи ким?" "Дини фойдаси учун дунёсини сарф қилгани". "Одамларнинг шижоатлиси ким?" "Жаҳлинини хилми билан қайтаргани".

Амр ибн Осс ўғли Абдуллоҳга (розияллоҳу анҳу) бундай деган экан: "Эй ўғлим, одил султон баракали ёмғирдан яхшидир. Жиловланган шер золим султондан яхшидир. Бешафқат, золим султон бардавом фитнадан яхшидир". Амр ибн Осс яхши шоир ҳам бўлган. Тарих ва сийрат китобларида у кишининг маънодор, ҳикматли шеърларидан кўплаб намуна келтирилган.

Амр ибн Осс (розияллоҳу анҳу) саксон ёшдан ошиб, 43 ҳижрий йили Рамазон ҳайити куни вафот қилди. Ҳайит намозига келган жамоат унинг жанозасида иштирок этди. Жанозасини ўғли Абдуллоҳ ўқиди ва Муқаттам қабристонига дағн этилди. Аллоҳ таоло Амр ибн Оссдан рози бўлсин!

Аҳмад Муҳаммад.

ФАРЗ АМАЛЛАР



Шариатда ҳамма мусулмонлар бажариши мажбурий бўлган, қатъий буюрилган ишлар “фарз амаллар” дейилади. Уни бажарган одам улкан савобга эришади, қилмаган киши гуноҳкор бўлиб, икки дунё азобига учрайди. Мазкур хукмни инкор этган (билитуриб “фарз эмас” деган) киши иймонсиз ҳисобланиб, кофир бўлади.

Фарз амаллар икки хил: фарзи айн ва фарзи кифоя. Фарзи айн амаллар ҳар бир мусулмон қилиши шарт бўлган амаллардир. Масалан, иймон, намоз, рўза каби. Буларни айрим мусулмонлар адо этгандари билан бошқалардан соқит бўлмайди, ҳар ким уларни ўзи бажариши керак.

Диний эҳтиёжларга жавоб берадиган даражада, яни, эътиқодда имон билан куфрни, осийлик билан ҳидоятни ажратадиган миқдорда, ибодатда эса намозни, рўзани, закотни, ҳажни адо этадиган миқдорда за-ру бўлган илм ўрганиш ҳам фарзи айнdir.

Фарзи кифоя амалларга бир жамоа мусулмонлар орасидан айримлари бажарса, қолганларнинг зиммасидан соқит бўладиган амаллар киради. Бошқалар ўша амални қилмагани учун гуноҳкор бўлмайди. Лекин ҳар қанча кўп одам уни бажарса, савоби шу қадар кўп ҳосил бўлаверади. Агар жамоадан ҳеч бири бажармаса, ҳаммалари баробар гуноҳкор бўлишади. Масалан, ўлган биродарининг жаноза намозини ўқиш ва қўмишда

бір нечта мусулмон иштирок этиб, уни адо этса, узрли сабабларга күра жанозага қатнаша олмаган диндошларининг зиммасидан масъулият соқит бўлади. Диний илмларни одамлар фойдаланишига етадиган даражада чуқур эгаллаш учун арабча тилини ўрганиш ҳам фарзи кифоядир.

Мўмин-мусулмон бўлган ҳар бир кишига фарз қилинган амалларнинг умумий сони юздан ортиқдир.

СУННАТ АМАЛЛАР

Таъкидланган суннат (суннати муаккада) амалларининг машҳурлари ушбулардир:

1. Барча яхши ишларни «Бисмиллаҳ» билан бошлаш.
 2. Аксирганда, «Алҳамдулиллаҳ» дейиш.
 3. Иймонли кишиларга йўлиққандада салом бериш.
 4. Салом берган одамга жавоб қайтариш. Масалан: «Ассалому алайкум», деса «Ва алайкум ассалом ва раҳматуллоҳи», дейиш. Агар салом берувчи «ва раҳматуллоҳи»ни қўшиб салом берса, «ва барокатуҳ»ни қўшиб алик олиш.
 5. Овқатланиш олдидан қўлларни ювиш.
 6. Овқатдан кейин ҳам қўлларни ювиш ва мисвок билан тишларни тозалаш.
 7. Ейиш ва ичиш олдидан «Бисмиллаҳ»ни айтиш.
 8. Овқатланиб бўлгач, «Аҳамдулиллаҳ» деб Аллоҳ таолога шукр қилиш.
 9. Ўтириб овқатланиш.
 10. Овқатни ўнг қўл билан ейиш.
 11. Ичимлик идишини ўнг қўлда тутиш.
 12. Дастурхонга тўкилган нон ушоқлари ва овқатларни териб ейиш.
 13. Кийимларни нажосатдан сақлаш, умуман, пок тутиш.
 14. Қуръони карим сураларини тиловат қилиш олдидан «тааввуз» («Аъзуу»)ни айтиш.
 15. Фарз намозларини ўқиш олдидан аzon ва иқомат айтиш.
 16. Бомдод, пешин, шом ва хуфтон намозларининг суннатларини ҳам ўқиш.
 17. Рамазон кунлари қўёш ботгач, шом намозидан илгари оғизни очиш.
 18. Рамазон ойида тонг олдидан сахарлик қилиш (сахарлик қилмаслик рўзага эмас, очликка киради, рўза очлик эмас, ибодатдир).
 19. Рамазон ҳайити намозига тонг отганидан кейин бир нарса еб-ичиб чиқиш.
 20. Курбон ҳайити намозига худди рўзадордай чиқиш ва намоздан қайтгач овқатланиш.
 21. Ҳайит кунларида яхши, чиройли кийимлар кийиш.
 22. Мўйлабни оғизга туширмай, қисқартириб туриш.
 23. Ўсан тирноқларни олиб туриш.
 24. Қўлтиқ ва киндик остини туклардан тозалаб туриш.
 25. Ўғил болаларни ўн ёшга етмай туриб хатна қилдириш.
 26. Хотин-қизларнинг бармоқларига хина қўйишларига йўл бериш.
 27. Ёши улуғ кишиларни улуғлаш, иззат-хурмат қилиш.
 28. Кичикларга раҳм-шафқатли бўлиш.
 29. Яқин қариндошлар ва қўшнилар ҳамда дўстларни қақириб, меҳмон қилиш.
 30. Келган меҳмонни очиқ юз билан қабул қилиш ва дастурхонга бор нарсани қўйиш.
 31. Ҳар кимнинг даражасига қараб илтифот ва ҳурмат кўрсатиш.
 32. Бирорнинг уйига рухсат (изн) сўраб кириш.
 33. Оилани таъминлашга қудрати етадиган бўлса, уйланиш.
 34. Қиз вояга етгач, унинг розилиги билан куёвга узатиш.
 35. Никоҳ тўйини халқа эълон қилиб ўтказиш.
 36. Инсонга зарар келтирадиган, масалан: (қутурган ит, чаён, илон ва шунга ўхшаш) ҳайвонларни йўқотиш.
 37. Ўзига раво кўрган нарсаларни ўзгаларга ҳам раво кўриш.
 38. Ўзига раво кўрмаган нарсаларни ўзгаларга ҳам раво кўрмаслик.
 39. Уй-рўзгор ишларида хотини билан маслаҳатлашиш (гарчи хотини берган маслаҳатларнинг ҳаммасини инобатга олмаса ҳам).
- Завоид (ортиқча) суннат амалларининг машҳурлари ушбулардир:
1. Хотини ва фарзандлари билан бир дастурхонда овқатланиш.
 2. Сут, замзам суви ва хушбўй нарсалар берилганда рад қилмай олиш.
 3. Кийимларни роса эскириб кетгунча кийиш.
 4. Эскирган кийимларни бечора, фақирларга бериш.
 5. Намоз учун алоҳида тоза кийим кийиш (эски бўлса ҳам, тоза бўлсин).
 6. Ўйқуга таҳорат билан ётиш.
 7. Ўйқуга ётиш олдидан мисвок (тиш тозалагич каби нарсалар) билан тозалаш.
 8. Таҳорат қилганда оғизни мисвок билан ювиш.
 9. Тонг отмай туриб ўйқудан ўйғониш.
 10. Фарз намозларини жамоат билан ўқиш.
 11. Қарз сўраган ишончли, муҳтож одамларга қарз беруб туриш.
 12. Қарздор кишиларни қийин-қистовга олмай, уларга имкон бериш, агар имконияти кўтарса, қарздор қарзини тўлай олмаслигига кўзи етса, ўша қарздан кечиб юбориш.
 13. Аёлларига ҳар соҳада риоя ва ёрдам қилиш.
 14. Сафарга ҳамроҳ билан чиқиш.
 15. Ибрат учун қабристонларни зиёрат қилиб туриш (қабристонда намоз ўқилмайди, қабрга сифинилмайди).
 16. Касал бўлганда, тиббиётдан ёрдам олиш.
 17. Ҳар бир ибодатни суннатлари билан бажариш.
 18. Рамазон ойида таровеҳ намозларини ҳам ўқиш.
 19. Рамазон охирида эътикоф ўтириш.
 20. Жума, икки ҳайит ва арафа кунлари учун ғул қилиш.
 21. Имонсиз кишиларга тавфиқ ва ҳидоят тилаб дуо қилиш.
 22. Аразлашган кишиларни яраштириш.

“САТР” НИМА?

Ислом дини мўминларни Қуръони каримнинг жуда кўп оятларида Аллоҳга иймон келтиришга ва солиҳ амаллар қилишга чақиради. Шу билан гуноҳ ишлар қилмаслик, ёмонликлардан узок бўлишга тарғиб этади. Солиҳ амалларга қанчалик тарғиб, ёмонликларни не қадар таҳқиқ этмасин, яхшига савоб, ёмонга гуноҳ ваъда қилмасин, гуноҳкорнинг дунёдаги жазосини ҳад ёки таъзир тимсолида белгиламасин, шариатимиз жиноятчининг гуноҳини исбот этишда, унга ҳукм қилишда ўзига хос йўл тутади, услугуб кўллади. Бу ҳукмлар билан танишган инсон Исломнинг нақадар инсонпарвар дин экани, Пайғамбаримиз Мұҳаммаднинг (соллаллоҳу алайхі вассаллам) оламларга раҳмат қилиб юборилганига эса жонли ва ҳаётий намуналарни кўради.

Бу ҳукмлар тааллукли мавзу шариатимизда “сатр” дейилади. Луғатда сатр – бир нарсани ўраш, ёпиш маъноларини англатади. Ҳадиси шарифда “Аллоҳ ҳаёли ва ёпувчи, ҳаёли ва ёпувчини севади.”, дейилади (Имом Абу Довуд ривояти). Ундаги ёпувчилик “сатр” сўзидан олингандир. Бу калиманинг истилоҳий маҳноси луғавий маъноси далолатидан ташқарига чиқмайди.

МЎМИННИНГ АЙБИНИ

САТР ЭТИШ

Уламолар мўминдан содир бўлган айб, гуноҳ ёки фужурга гувоҳ бўлиб қолган кишига уни яшириш, яхни сатр этиш мустаҳаблигига ижмоъ қилишган. Ҳусусан, бундай ножӯя ишлар обрўли, ёмонлиги кузатилмаган, бузуклик билан танилмаган ва унга тарғиб этмайдиган кишидан содир бўлса, буни оммага ҳам, хосга ҳам, ҳокимга ҳам, қозига ҳам ошкор қилмаслик керак. Мусулмоннинг айбини яшириш, тойишини пойлашдан қайтариш хусусида кўп ҳадислар ворид бўлган: Пайғамбар (соллаллоҳу алайхі вассаллам) айтадилар: “Ким мўминнинг айбини яшиrsa, Аллоҳ қиёмат куни унинг айбини яширади” (Имом Бухорий ва Муслим ривояти). Бошқа бир ривоятда: “Аллоҳ унинг айбини дунё ва охиратда яширади”, дейилади (Имом Термизий ривояти). Яна Пайғамбар (соллаллоҳу алайхі вассаллам): “Яхшиларингизнинг адашишларидан кўз юмингиз” дейдилар. (Имом Абу Довуд ривояти). Бошқа бир ҳадисда эса: “Ким мусулмон биродарининг айбини яшиrsa, Аллоҳ унинг айбини қиёмат куни яширади. Ким мусулмон биродарининг айбини ошкор қиласа, Аллоҳ унинг айбини ошкор қиласди, уни ҳатто ўз уйида ҳам шарманда қиласди”, дейилади (Ибн Можа ривояти).

Чунки айбларни ошкор қилиш, бир мўминдан содир

бўлган ишни сўзлаш ҳаром этилган фийбатга олиб боради, фаҳшни ёйиш ҳисобланади. Уламолардан бири шундай деган: “Осийларнинг айбини яширишга ҳаракат қил, чунки улар айбининг ошкор бўлиши ахли Исломга айбdir. Ишларнинг аълоси айбларни яширишdir”. Фузайл ибн Иёз айтадилар: “Мўмин яширади ва насиҳат қиласди. Фожир эса ошкор қиласди ва айблайди”.

Аммо киши озор, фасод, ошкорка фосиқлик ва гуноҳга бепарволик билан танилган бўлса, унинг ҳолини одамларга очиб, уларга маълум қилиш лозим бўлади, токи одамлар ундан ҳазар қилишсин, ёмонлигидан эҳтиёт бўлишсин. Балки агар катта муаммолардан қўрқилмаса, унинг ишлари ҳокимга олиб чиқилиши лозим. Чунки бундаги сатр унинг озор, фасод ва гуноҳларга янада журъатли бўлишига умидвор этади ва бошқаларда у каби бўлишга жасорат пайдо қиласди. Унинг фисқи кучайиб, одамлардан ҳайикмайдиган бўлиб қолса, жиноятини яширмаслик, буни валийуламрга кўтариб чиқиш энди вожиб бўлиб қолади. То у осийга одоб берсин, бузғунчилигига яраша шариатда кўрсатилган ҳад ёки таъзирни ижро қилсин.

Бу ҳукмларнинг барчаси мозийда бўлиб ўтган гуноҳларни яширишга тегишли. Аммо киши гуноҳ устида ушланса, уни бундан имкони борича тезлиқда қайтариш вожиб бўлади. Кечикириш ва сукут этиш ҳалол эмас. Қайтаришдан якка ўзи ожиз бўлса, арзихоли бундан ортиқ муаммога сабаб бўлмаса, ҳокимият вакилига арз қилиши керак бўлади. Пайғамбар (соллаллоҳу алайхі вассаллам): “Сизлардан бирингиз мункар ишни кўрса, уни қўли билан ўзгартирсин, агар унга қодир бўлмаса тили билан, агар бунга ҳам кучи етмаса, қалби билан ўзгартирсин. Бу эса иймоннинг энг заифидир.” деганлар (Имом Муслим ривояти).

Бу бобга тегишли уламоларнинг яна бир сўзи бор. Яъни, ҳеч кимга мусулмонлардан бировининг айбини пойлаш, жосуслик қилиш мумкин эмас. Аллоҳ таоло: “Ўзганинг айбини пойламанглар”, дейди. (Хужурот сураси, 12-оят). Жосусликдан қайтарилган ҳадиси шарифлар ҳам мавжуд. Бундан куйидаги ҳолатлар мустасно: ровийларни, гувоҳларни, садақа, вақфлар ва етимларга мутасаддиларни текширишга ҳожат бўлганида уларнинг лаёқатига путур етказадиган айбини яшириш ҳалол бўлмайди. Бу айбларни ошкор қилиш ҳаром этилган фийбат эмас, балки вожиб насиҳатдан саналади.

МЎМИННИНГ ЎЗ АЙБИНИ САТР ЭТИШИ

Мусулмоннинг ўзидан хато ёки тойилиш содир бўлса уни яшириши, Аллоҳга тавба қилиши, ишини сultonгa ҳавола қилмаслиги керак. Ким бўлишидан қатъи назар, айбини бировга очмасин. Чунки бундай қилса, Аллоҳ таолонинг қуидаги ваъидига кириб қолади: "Албатта иймон келтирган кишилар ўртасида бузукликлар ёйилишини истайдиган кимсалар учун дунёда ҳам, охиратда ҳам аламли азоб бордир. Аллоҳ билур, сизлар билмассиз" (Нур сураси, 19-оят). Чунки бу Аллоҳ яширган нарсани ошкор қилишдир. Пайғамбар (с.а.в.) айтадилар: "Бу бемаъни ишлардан эҳтиёт бўлинг. Ким унга яқинлашган бўлса, Аллоҳнинг пардаси билан ўзини тўссин ва Аллоҳга тавба қилсин. Чунки ким бизга унинг юзини очса, унга Аллоҳнинг китобини қоим қиласиз (яъни жазолаймиз)" (Ҳоким ривояти).

СУЛТОННИНГ ОСИЙНИ САТР ЭТИШИ

Ҳоким ва раҳбарлар агар осий (гуноҳкор) тавба қилиб, ҳад ёки таъзирни вожиб этадиган ишини унга арз қилиб келса, ўзини билмасликка солиши ва изоҳ сўрамаслиги мустаҳабдир. Балки унинг ўзига гуноҳини яширишга амр этиши, бошқаларни ҳам бунга буюриши ва уни айбига иқрор бўлишдан буришга ҳаракат қилиши керак. Хусусан бу солиҳ, истиқоматли ва аҳволи бошқалардан яширин кишиларда қўлланиши жуда муҳим. Анас (розияллоҳу анҳу) ривоят қиласидилар: "Бир одам Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам) олдиларига келиб: "Эй Расулаллоҳ, мен ҳадга лойик иш қилиб қўйдим, уни менга жорий қилинг", деди. Намоз вақти бўлиб қолган эди, у Расулаллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) билан намозни ўқиди. Намоз ўқиб бўлингач, "Эй Расулаллоҳ, мен ҳадга лойик иш қилиб қўйдим, энди Аллоҳнинг китобидаги (жазо)ни жорий қилинг", деди. Расулаллоҳ: "Биз билан намозда ҳозир бўлдингми?" деганларида, у «ҳа» деб жавоб қилди. "Унда сени кечирилди", дедилар" (Имом Муслим ривояти).

Гуноҳ ва жиноятдан қаттиқ ҳазар қиласидиган, бундай ишларга дунё ва охиратда қатъий жазо белгилаб, уни ижро қилишга кучли ҳарис бўлган Ислом динининг жиноятчи айбини исботлашда тутган бундай инсонпарвар йўли ҳар қанча таҳsinga лойик!

СИРЛАРНИ ЯШИРИШ

Мусулмонга мўмин биродари тўғрисидаги фақат ўзи билган сирларини яширмоғи керак. Кимга бўлишидан қатъи назар, ҳатто буни талаб қилинганда ҳам фош қилмаслиги керак. Чунки сирни очиш омонатта хиёнат ҳисобланади. Аллоҳ таоло айтади: "Аҳдга вафо қилинглар. Зоро, аҳд-паймон (қиёмат куни) масъул бўлинадиган ишдир" (Исро сураси, 34-оят).

Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) Умарга (розияллоҳу анҳу) шундай дегандилар: "Назаримда сиз Ҳафсани менга тақлиф этганингизда бирон нарса демаганим учун мендан хафа бўлган бўлсангиз керак". Умар (розияллоҳу анҳу): "Ҳа", деб жавоб қиласидилар. Абу Бакр: "Менга қилган тақлифингизда жавоб қилмаслигимга фақат Расулаллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) сирларини оча олмас эдим. Агар Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам) уни тарк қилганларида мен қабул этардим", дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Анас (розияллоҳу анҳу) ривоят қиласидилар: "Мен бо-


лалар билан ўйнаб турганимда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) олдимга келдилар ва бизга салом бердилар, сўнг мени бир ишга жўнатдилар. Шундан онам олдиларига кечикиб бордим. Келган пайтимда онам: "Нимага ушланиб қолдинг?" дедилар. "Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) мени бир иш билан юбордилар", дедим. "Нима иш экан?" деб сўрадилар онам. "Бу сир", дедим. Онам айтдилар: "Расулуллоҳнинг сирларини ҳеч кимга сўзламагин".

Саййида Фотимадан (розияллоҳу анҳу) уммул-мўминин Оиша (розияллоҳу анҳу): "Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) нима дедилар?" деб сўраган пайтларида: "Мен Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи васаллам) сирларини фош қилмаган бўлардим", деб жавоб қилгандилар (Имом Бухорий ва Муслим ривояти). Яна бир ҳадисда келишича: "Агар киши бир сўзни сўзласа ва у ёқ-бу ёққа алангласа, бу гапи омонатдир" (Имом Термизий Жобир ибн Абуллоҳдан қилган ривоят).

Бу бобга эр-хотинлик сирларини муҳофаза қилиш ҳам киради. Бунда эр-хотинлик муносабатлари бўлсин ёки хонадон сирлари бўлсин, эр-хотиннинг икковига барабар уларни яшириш вожибдир. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам) айтадилар: "Албатта қиёмат куни Аллоҳ ҳузурида одамларнинг ёмони шундай кишики, у хотинидан ва хотини ундан лаззатланади, сўнг аёлининг сирини ошкор қиласи", деб жавоб қиласидилар (Имом Муслим ривояти).

Сатр ҳўқмларига "Сатри аврат", "Сутра" каби мавзуулар ҳам тегишлики, улар алоҳида мақолаларнинг мавзуудир.

Алишер ТУРСУНОВ,
Имом Бухорий номли Тошкент
Ислом маъҳади мударриси.



ЯПОНИЯГА ИСЛОМ ҚАЧОН КЕЛГАН?



Исломнинг Японияга қандай қилиб боргани тарихи кўпчиликни қизиқтиrsa керак. Милодий 1878 йилда бошланган Япония Уйғониш даври ("мэйдзи")нинг ilk паллаларида Осиёда қудратли икки мустақил давлат – Япония ва Усмонли салтанатгина мавжуд эди. Ҳар икки давлатга ҳам Farb ва чор Россияси тинмай хавф солиб турадар, улар ҳамиша сиёсий ва иқтисодий босим остида яшашар эди. Шу боис Япония ва Туркия бирбирлари билан дўстона алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилишарди. Икки мамлакат ўртасида ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий алоқалар билан бир қаторда маданий ҳамкорлик олий даражага кўтарилиган эди.

Истанбул ва Токио бир-бирларига мунтазам расмий вафдлар (делегациялар) жўнатаб туришарди. Ана шундай муҳим вафдлардан бирини сulton Абдулҳамид Кунчиқар мамлакатига 1890 йили "Ал-Туғрул" кемасида юборди. Унинг таркибида Усмон Пошшо бошчилиги-

да етти юздан зиёд ҳарбий мутахассис ва йўриқчи бор эди. Ташириф асносида Усмон Пошшо Япония императури билан кўришди. Сафар қариганидан сўнг вафд ватанига йўл олди. Бироқ Осака соҳиллари яқинида кема тўфонга учраб чўкиб кетди. Бунинг оқибатида беш юз эллик киши, шу жумладан сultonнинг укаси ва Усмон Пошшо ҳалок бўлишди.

Японлар ва усмонлилар фожиадан қаттиқ изтиробга тушишди. Кема ҳалокатида омон қолганларни икки япон кемасида Истанбулга олиб келишди. Ҳалок бўлганлар Японияда дафн қилинди, фожиа жойида ёдгорлик ўрнатилди. Ҳозирги пайтда ҳам ҳар беш йилда Япония ва Туркияда ўша кема ҳалокатида қурбон бўлганларни хотирлаб туришади. Бу, япон ва турк ҳалқлари самимий дўстлиги исботидир.

1891 йилда япон журналисти Ошатаро Нода ватанида "Ал-Туғрул" кемасида ҳалок бўлганларнинг оила-

си учун хайр-эҳсон тўплади ва Истанбулга йўл олди. У тўпланган маблағни Усмонли салтанат раҳбарлари га топширди. Босфор соҳилларида япон журналистини сulton Абдулҳамид қабул қилди.

Истанбулда бўлган чоғида Ошатаро англиялик мусулмон Абдуллоҳ Куилям билан учрашди. Кўп ўтмай олис Япониядан келган меҳмон Исломни қабул қилишга мушарраф бўлди ва ўзига Абдулҳалим исмини олди. Ошатаро Нодани ҳақиқий маънода биринчи япон мусулмони дейиш мумкин. Исломни қабул қилган иккинчи япон эса 1893 йилда кема фалокатида нобуд бўлганларнинг қариндошлари га атаб тўпланган моддий ёрдамнинг навбатдагисини Истанбулга олиб келган Ошатронинг ватандоши Ямада бўлди. Султоннинг шахсий илтимосига кўра Ямада (исломий исми Абдулҳалил) зобитлар билим юртида япон тилини ўргатиш учун Туркияда қолди.

Олдин насроний савдогар бўлган Аҳмад Арижа учинчи япон мусулмони ҳисобланади. 1890 йили у Бомбайда бўлганида масжид нақшларига маҳлиё бўлиб, у ерга кириб қолади ва шу масжидда Исломга киради. Ватанига қайтган Арижа дин тарғиботчисига айланди ва Қуръони карим маъноларини япон тилига ўгириш ишларида қатнашди.

1903 йилда турк сultonи вакили Мухаммад Али Японияга келди. Ҳужжатлар гувоҳлик беришича, у Иокагамада масжид қуришни режалаган эди. Орадан иккى йил ўтиб Ҳиндистондан келган мусулмон даҳвачти Сарфароз Ҳусайн Нагасаки ва Токиода Ислом ҳақида маҳрузалар қилди. 1905 йили Россиядан ҳижрат қилган татар оиласи Осакада биринчи масжидни курди.

1904-1905 йилларда, биринчи рус-япон уруши чоғида сulton Абдулҳамид топшириғига биноан турк армияси зобити Парто Пошшо ҳарбий кузатувчи сифатида Японияга келди ва япон императури билан расман кўришди. Туркияга қайтгач, у рус-япон уруши ҳақида турк тилида китоб нашр эттирди.

Уруш харакатлари тўхтаганидан сўнг Япония ва Ислом дунёсининг ўзаро алоқалари сезиларли кучайди. Мисрлик ёзувчи ва кинорежиссер Мустафо ал-Аққод ёзишича, япон қуролининг зафаридан руҳланган мисрлик зобитлар кўнгилли тарзда япон армиясига киришган. Урушдан кейин уларнинг кўпи оила қуриб ва янги иш бошлаб Японияда яшаб қолган.

Японияга кўчиб келган мусулмонлар орасида чуқур билимли кишилар кўп бўлган. Омск губернасининг Тара шахрида туғилиб-ўсган машҳур татар маърифатпарвари Абдурашид Иброҳимов 1909 йили Японияга келди. У бу мамлакатда олти ой бўлиб, сафари чоғида оддий дехқондан тортиб вазиргача турли табақадаги кишилар билан учрашди. Русиялик дин тарғиботчисининг куч-ғайрати туфайли кўпгина японлар Исломни қабул қилишди. Улар орасида мутафаккирлар, журналистлар, ҳарбийлар ва ёшлар бор эди. Абдурашид Иброҳимов Япония ва япон мусулмонлари ҳақида, Қунчиқар мамлакатнинг Ислом дунёси билан ўзаро муносабатлари тўғрисидаги таассуротларини “Ислом олами ва Японияда Ислом ёйилиши” номли китобида баён этиб берди.

(Бу китоб эски тилидан япончага ўгирилган).

Ҳиндистондан келган мухожир, Токио дорилфунунида илк урду тили муалими бўлиб ишлаган Муҳаммад Баракатуллоҳ ҳам ўша даврнинг энг ёрқин сиймоларидан эди. 1910 йилда Муҳаммад Баракатуллоҳ “Ислом бирдамлиги” деган журнал ташкил этди ва у уч йил мобайнида мунтазам нашр қилинди. Муҳаммад Баракатуллоҳ таклифи билан Исломни қабул қилган сафдоши ва шогирди Ҳасан Гатано унинг инглиз тилидаги нашри (“Islamic Brotherhood”) ни босмага тайёрлади.

Йигирманчи аср бошларида Японияга келган мусулмонлар орасида салоҳиятли кишилар кўп бўлгани боис бу давр тадқиқотчиларда катта қизиқиш уйғотади. Ал-Аққод тилган олган Миср зобитларидан бири Аҳмад Фазли ҳақида анча маълумот тўплашга муваффақ бўлдим. У рус-япон урушидан кейин Қунчиқар мамлакатда қолган ва 1908 йилда япон аёлига ўйланган Абдурашид Иброҳимов ва Муҳаммад Баракатуллоҳ билан яқинлашиб, уларнинг фаолиятида ёрдам берган, “Ислом бирдамлиги” журнали ноширларидан бўлган. Фазли араб тилида “Япон тараққиёти сирлари” деган китоб ёзди, шунингдек, “Япон шахсияти” номли китобни япончадан арабчага ўгириди. Фазли Васид дорилфунунида Абдурашид Иброҳимов қилган маъruzalardan бирида тилмошлиқ ҳам қилган. Фазли ўз китобида хотирлашича, татар тарғиботчisi маъruzasida Васид дорилфунунида таҳсил олаётган ва “Ислом уйғониши” деган ахборотнома нашр этаётган ўттиз тўққиз хитойлик талаба ҳақида гапирган (Иброҳимов сўзига қараганда дорилфунунда жами юз нафар хитойлик талаба ўқиган).

1909 йили Умар Ямаока исмли биринчи япон ҳаж қилган, у Абдурашид Иброҳимов ҳамроҳлигидан Макка ва Мадинадаги тарихий жойларни бориб кўрган.

Японларнинг бир қисми Исломни Хитойда қабул қилган. Улар орасида таникли мутафаккир, Қуръони карим маъноларини япончага таржима қилган Умар Мита ҳам бор эди. 1911 йилда фаранг тилида чиқадиган “Ислом олами” журнали Хитойдан қайтганидан сўнг Ислом дини тарғиботчисига айланган Япониянинг иккى фуқароси ҳақида ёзган.

Йигирманчи асрнинг йигирманчи йилларида Японияда Ислом дунёсига эътибор кучайган давр бўлди. Ҳар иккى тараф ўртасида маданий ва иқтисодий алоқалар анча чуқурлашди. Қунчиқар мамлакатда исломий ташкилотлар очилди, Қуръони карим маъноларининг япончага бир неча таржималари пайдо бўлди, кўплаб шарқ адабиёти намуналари нашр этилди. Бу даврда Японияда мусулмонлар сони анча ортган, бу асосан коммунистлар таҳқибидан қочиб Россиядан Япон оролларига талпинган татарлар ҳисобига бўлди. Кўплаб татар мухожирлари Токио, Нагоя ва Кобе шаҳарларида ўрнашиб қолишли.

Хитойда Исломга кирган Нур Иппе Танака ҳаж қилган иккинчи этник япон бўлди. Янги япон мусулмонлари Ислом дунёси билан боғланиб туришга интилишар эди. 1924 йили Умар Ямаока Мисрга келиб, Ал-Азҳар

дорилфунунида бўлди, билим юртининг анъанавий либосидаги унинг фотосурати ҳозиргacha сақланиб қолган.

Ўттизинчи йилларда Япония мусулмонлари ижтимоий ҳаётида дин арбоби, татар жамоаси раҳбари Абдулҳай Қурбоновнинг номи пайдо бўлди. Унинг фоалияти ранг-баранг бўлган: у татар тилида журнал нашр этган, бу журнал Япония ва унинг ташқарисидаги ўлкалардаги татарлар орасида ниҳоятда машҳур бўлган, исломий нашриёт очиб, унда Курхони карим чоп этган, мусулмонлар жамоаси билан япон ҳукумати ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга бекиёс ҳисса қўшган.

Келиб чиқиши япон бўлган мусулмонлардан Мустафо Комурани алоҳида кўрсатиб ўтиш керак бўлади. У Япониядаги диндошларига катта хизмат қилди, исломий билимларни ўрганмоқчи бўлган талабаларнинг Покистон, Малайзия, Саудия Арабистони ва Ислом дунёсининг бошқа ўлкаларига ўқишга боришлирага ёрдам берди. Бу даврда ҳаж ва умра қилган японлар сони анча ортди.

Иккинчи жаҳон урушида Осиёning бир қисмини босиб олган японлар бошқа халқларнинг маданияти билан тўқнаш келишди. Натижада япон армиясининг кўплаб аскар ва зобитлари Ислом динига кириши. Уруш ҳаракатлари тўхтаганидан кейин армия Японияга қайтгач, унинг таркибида анча-мунча мусулмон бор эди.

Япон мусулмонларининг биринчи расмий ташкилоти 1953 йилда ташкил топди. Шу даврда уч мусулмон: Абдурашид Аршод, Умар Мита ва Мустафо Комура Қуръони карим маъноларини янгидан япон тилига таржима қилишди. Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида Покистон, Туркия, Индонезия, араб мамлакатлари (улар орасида ушбу сатрлар муаллифи ҳам бор эди) ва бошқа Ислом ўлкаларидан кўплаб талабалар Японияга ўқишга келишди. 1961 йили илк мусулмон талабалар ташкилоти таъсис этилди.

1970 йили Саудия Арабистони подшоҳи Файсал ибн Абдулазизнинг Японияга ташрифи ўтган асрнинг ёрқин воқеаларидан бўлди. Подшоҳ сафари чоғида япон ва жанубий Қурдия мусулмонлари вакиллари билан учрашди, Қуръони карим маъноларини Умар Мита томонидан япон тилига ўғириш бўйича янги лойиҳани ҳомийлигига олди, бу нашрни молиялаш учун Саудия элчихонасида маҳсус жамғарма ташкил этилди (1970 йиль ёзида ушбу сатрлар муаллифи Аҳмад Судзуки билан ҳамкорликда бу таржиманинг узил-кесил таҳририни амалга ошириди).

Етмишинчи йилларда Японияда Ислом динига қизиқиш янги босқичга кирди. Бутун мамлакатда Исломга бағишланган маъруза ва сұхбатлар ўтказилар, япон тилидаги исломий адабиётлар катта нұсхаларда чоп этилар, ҳажга борувчилар сони тобора ортиб борар эди. Имом Мухаммад ибн Сауд номидаги Ислом дорилфунуни қошида Араб Ислом институти иш бошлади. Ўн йилгина олдин Япониядаги мусулмонлар уч мингдан ошмагани ҳолда бу даврга келиб улар сони ўн баравардан зиёдга ортди.

Саксонинчи йилларга келиб ҳам Ислом дини Японияда кенг равнақ топди. Саудия Арабистони подшоҳи Холид ибн Абдулазиз Токиода Йирик Ислом маркази қуриш учун ер сотиб олди. Мусулмон мамлакатларидан бу ерга кўплаб одамларнинг кўчиб келиши туфайли мусулмонлар сони кескин кўпайди. 1986 йилда Токиодаги татарлар қурган эски масжид бузилиб, ўрнига Туркия ёрдамида усмонлилар услубида муҳташам янги масжид тикланди. Токиодаги бу масжид Япониядаги Ислом рамзига айланди. Нагоя, Осака ва бошқа шаҳарларда ҳам кўркам ва муҳташам масжидлар қурилди.

Япония кўхна маданият ва бой анъаналар мамлакати бўлгани учун ҳам уммон ортидан япон жамиятига тўфон каби ёпирилиб келаётган ирқчилик, Ислом билан қўрқитиш, динлараро ихтилоф солиш каби ижтимоий иллатлар японларга ётдир. Узоқ тарихга эга Япония ва Ислом дунёси билан дўйстона муносабатлар ана шу иллатлардан ҳимояланишда ёрдам беради. Япония ташки ишлар вазири телвиденение орқали чиқишиларидан бирида бундай деган эди: “Мусулмонлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш ва улар билан ўзаро ҳамкорлик йўлларини топиш учун энг аввал Исломни ўзи асли қандай бўлса, шундайича тушуниб олишимиз керак”. Ана шу жумлалар Япония мусулмонлари қалбида эртанги кунга умид туғдиради ва куч-файрат баҳш этади.

Солиҳ САМАРРИЙ,
Япония Ислом маркази раиси.
(“Salihsamarrai” сайтидан).



НОБЕЛ МУКОФОТИ КЕРАКМИ?



Сүнгги пайтларда тинчлик йұналиши бүйіча Нобел мүкофотининг ғолибини әзілон қилиш қип-қизил масхабарабозлиқка айланиб боряпти, десак ҳам бўлади. Тинчлик соҳасидаги мүкофотини аввалига бир вақтнинг ўзида бир нечта мамлакатда уруш олиб бораётган АҚШ президенти Барак Обамага "халқлар ўртасида ҳамкорлик ва дипломатияни мустаҳкамлаш йўлидаги фавқулодда ҳаракатлари учун" топширилди. Энди эса Яқин Шарқ минтақасида инқилоблар ва кўплаб тўқнашув-жанжаллар ҳомийси бўлиб турган Европа Иттифоқига топшириляпти. Айтидан, "тинчлик" тушунчаси либерал тасаввурларда "демократия демократиянинг кўзини чўқимайди" формуласида намоён бўлаётган шекилли?!

Фарб коалицияси бошчилигидаги барча урушлар, уларнинг ўзларига кўра, гуманитар бомбардимон ёрдамида бўлса ҳам демократия учун ва гуманитар самара учун бошланаётган эмиш. Шунга мувофиқ, жаҳон зўравонининг фикрича, мана шундай демократия тантанаси, айтидан, "урушсиз тинчлик"нинг энг асосий моҳияти ва асосий мақсадларидан бири бўлса керак. Бунга кўра, ҳамма мамлакатлар либерал бўлиши, Америкага бўйсуниши ва унинг етовида юриси лозим бўлади. Ана шундагина Ер юзида тинчлик ҳуқмрон бўлармиш! Тинчлик мүкофоти гуманитар,

жамоатчилик ёки ҳарбий йўллар билан ёхуд гуманитар бомбардимон йўллари билан бўлса ҳам бир қутбли Америка ҳуқмронлигига эришиш учун ҳар қандай воситалар билан ҳаракат қилаётганларга топширилади. Бу мантиққа асослансан, ҳамма нарса бинойидек бораётган кўринади.

Бироқ, агар тинчлик ҳақидаги анъанавий тасаввурлардан келиб чиқадиган бўлсан, Нобел мүкофотининг бу тарзда топширилиши катта адолатсизликнинг ўзи бўляпти! Гап шундаки, халқаро муносабатлар назарияси ичida либерал қарадаги оқимлар мавжуд бўлиб, тузум ва унинг мафкураси халқаро муносабатларда мухим аҳамиятга эга. Либераллар ҳар қандай мамлакатдаги ҳар қандай тузум либерал бўлиши кераклигини таъкидлайди. Бу эса, ўша давлатнинг бугунги кунда дунёда етакчилик қилаётган бошқа либерал давлатлар билан низога бормаслигига кафолатдир. Бунга мувофиқ, ҳар қандай давлат либерал давлатга айланиши либералларнинг ва мазкур мактаб базасида барпо бўлган халқаро муносабатлар назариясининг асосий мақсади ҳамдир. Бирон давлатни қандай йўл билан либералга "айлантириш"нинг эса ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Бу мантиқ фақат бир тарафнинг фойдасига ишлайди, яъни либерал демократиялар бир-бирларини "чўқимайдилар" ва нодемократлар тас-

лим бўлмагунларича ёки либерал мантиқни қабул қилмагунларича улар билан урушаверадилар.

Америкача либерализм ўрнатилиши учун нимаини фойдали бўлса, буларнинг барчаси Американинг бутун дунёга хукмронлик қиласидиган вақтни янада яқинлаштирмоқда. Ушанда урушлар бўлмасмиш, чунки Америка нуқтаи назарига қарши ҳеч қандай зид фикр бўлмайди-да. Қачонки ҳамма америкача фикрлайдиган бўлса, тинчлик ва фаровонлик даври бошланармиш.

Нобел мукофоти аллақачон АҚШ мантиғига тобеъ бўлиб, сиёсийлашиб бўлди. Европа ҳақида ҳам гап шу – у аллақачон Америкага тобеъ бўлиб, унинг манфаатларига хизмат қилиб келмоқда. Шундай экан, мукофот ҳам Америка мантиғига кўра тақсим қилиниши табиий. Биз америкача ҳаёт тарзига аста-секин ўтиб борилаётган дунёда яшамоқдамиш. Бу эса ниҳоятда хавфлидир. Чунки инсониятнинг аксар қисми америкача, либерал ҳаёт билан яшамайди. Улар ўз анъаналари, қонунлари ва дунёқарашлари билан яшаб келишмоқда. Инсониятнинг катта қисми сон жиҳатидан ҳам устунликка эга.

Модомики, Америка мазкур услубни танлаган ва уни намойишкорона татбиқ қилас экан, инсониятнинг аксар қисми "америкача" либераллашиш эҳтимоли ила қарама-қарши қолганини таъкидлашга эҳтиёж йўқ. Америка ҳеч нарсадан тоймай жамиятлар, яъни бир ярим миллиард ахолиси бор Хитой ва унга тенгдош Хиндишонни, бутун араб олами ва Яқин Шарқни, Евросиёни Лотин Америкасини хамда Россия ва МДҲ давлатларини ўз ижтимоий андозалари ва тасаввурларига мувофиқ ўзгартиришга харакат қиласиди. Бироқ мазкур андозалар асосида инсониятнинг фақатгина чекланган қисми – АҚШ ва Европа, яъни "глобаллашган Фарб" – яшаётганини унутмаслик лозим.

Бу эса ана шу дунёдаги аксарият ҳалқларга нисбатан мудҳиш геноцидидир. Бу қадар улкан ижтимоий ўзгаришлар бутун дунёда глобал алғов-далғов ва бошбошдоқликка олиб келади. Агар дунё ҳозирдан эс-хушини йиғиб олса ва инсоният асосий қисмининг ижтимоий низомини мажбурий қайта шаклга солишига қаратилган маккорона ҳатти-харакатларга қарши бирлашмаса, бу муқаррар равища тўс-тўполонга, геноцидга олиб келади. Барча жонзотни америкача оламшумул омухтага, тирик ҳалқларни қўғирчоқларга айлантиришга қаратилган либерализация моделига олиб келади. Инсоният мана шундай манзара олдида турибди! Тинчлик бўйича Нобел мукофоти – бу Американи дунё марказига айлантирмоқчи бўлган Америка хуфяларига берилган мукофот, дейдиганлар ҳам топилмоқда.

10 декабр куни Осло шаҳрида нуфузли мукофотни топшириш маросими бўлиб ўтади. Бу йилги тинчлик бўйича Нобел мукофот инсонга эмас, Европа Иттифоқига топширилди. Бунга Европа Иттифоқи пешволари хурсанд бўлса бордир, лекин бу янгилик дунёда турли хил фикр-мулоҳазаларга сабаб бўлди. Норозилик намойишлари билан тўлиб тошган, ишсизлик даражаси ўта юқори, инқизотга ботган Европа учун бир юпатишга ўхшаган нарсадир, дейди кўпчилик. Бошқаларга

кўра эса, НАТОнинг барча ҳарбий кампанияларида қулоқ қоқмай иштирок этётган мамлакатлар коалициясига мукофот берилиши ажабланарли ҳолатdir.

Тўғри, ҳалқаро ташкилотлар олдинлари ҳам тинчлик бўйича Нобел мукофотига сазовор бўлган эдилар. Бироқ ҳеч қачон мукофот бутун бир қитъага берилмаган эди. Ҳозирги ғолиб эса беш юз миллион аҳолига эга 27 мамлакатнинг иттифоқидир.

Голиблар эълон қилиниши билан Нобел қўмитасининг сиёсийлашгани ҳақида баҳс-мунозаралар янада кўпайиб кетганини алоҳида таъкидлаш зарур. Бир вақтнинг ўзида бир нечта мамлакатда уруш олиб бораётган президент Барак Обама тинчлик бўйича мукофот олганидан бери ҳали бунчалик баҳс-мунозоралар бўлмаган эди. Осло ҳам ўзича ул-бул нарсаларни тушунишига уриниб кўрди. Иттифоқнинг расмий шахслари ҳам уларга мукофот берилганидан ўз хурсандчиликларини изҳор қилишмоқда. Нобел қўмитасининг қароридан хабар топгач, Европа пешволари ўзларини ўзлари тўхтамай мақташга тушишди. Уларга кўра, Европа Иттифоқи тарихда энг йирик тинчлик ўрнатувчи, мукофот эса Европанинг буюк интеграциясини танолиш эмиш.

Айтмоқчи, юксак мукофот билан энг биринчи табриклигандардан бири НАТО бош котиби Андрес Фог Расмуссен бўлди. Европа қирувчи самолётлари Либия каби мамлакатларнинг ички ишларига аралашиб, демократия ва тинчлик ўрнатиш учун мазкур давлатда ҳарбий ҳаракатлар олиб борган ва исёнчиларни очиқасига қўллаб-қувватлаган эди. Янги мустамлакачилик даврида ҳам бошқа мамлакатлар ички ишларига аралашиб, уларнинг табиий ва бошқа заҳираларини талон-тарож қилиб туриш, назоратга олиш қиликлари ҳали ўтмишда қолмагани аён бўляпти. Европа Иттифоқидаги 27 давлатининг 21 таси дунёнинг энг катта ҳарбий иттифоқига – НАТОга аъзодир.

"Нобель мукофоти қўмитаси – америкалик олимларнинг энг катта хатоларини моддий рағбатлантируви сектадир" деган оммабоп ҳазил биринчи навбатда энди кўрадиган ажойиботларимизга тааллуқлидир. Мана, бугун иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти номзодлари эълон қилинди. Бундай йўналишдаги мукофот Альфред Нобелнинг васиятида умуман кўрсатилмаган, бироқ мунтазам равища америкалик иқтисодчиларга тақдим қилиб келинмоқда. Улар ўтказаётган иқтисодий тажрибаларнинг оқибатини эса бутун дунё ҳар куни ўз танида ҳис қилиб келмоқда.

Дарвоқе, тинчлик бўйича навбатдаги Нобел мукофоти соҳиби ким бўлар экан-а? Балки, кейинги йили Нобел қўмитаси нуфузли ҳисобланган мукофотни ўзига тақдим қилас экши эҳтимол, сайёрамиз "ҳали тирик" бўлгани учун унга мукофотни беришар. Бу борада бирон нарса дейиш қийин.

Ҳай, нима бўлса ҳам тинчлик бўлсин-да!

*Интернет маълумотлари асосида
Абу Муслим тайёрлади.*

МУСУЛМОНЛАР ЗАФАРИ

751 йилда Фарфона ихшиди (хұммдори) ва Шош подшохи бир-бирлари билан ёвлашиб қолишиди. Ихшид Чин подшохидан ёрдам сүради, у юз мінглик қүшинни унга құмакка юборди. Қүшин аввал Шошны ўраб олиб, кейин батамом әгаллади. Шош подшохи Чин хұммдорига таслим бўлди, Чин подшохи унга ва яқинларига ҳеч қандай тазийқ қилмади. Бу воқеа ҳақидаги хабар аббосий ҳұммдор Абу Мұслимга етиб борди ва Зиёд ибн Солихни уларга қарши урушишга жұнатди. Икки тараф қүшинлари Тароз дарёси соҳилларида тұқнашиши ва мусулмонлар уларни енгіб, әллик минг жангчыни ўлдириши ва йигирма мингини асир олиши, қолғанлари Чинга қараб қочди. Бу жаңғ ҳижрий бир юз ўттиз учинчи йилнинг зулжыжа ойида (751 йил июни) бўлган.

(Ибн Асир, «Китаб ал-камил фит-тарих», Торнберг нашири, 5-жилд, 344-бет)

ЧИҒАТОЙЛАР ТАСАРРУФИДА

...Ул фурсатта Тошканд Умаршайх мирзо тасарруфида әдиким, китобларда Шош битарлар, баъзи Чоч битирларким, «камони чочий» андин ибораттir. Ўшал фурсаттин тарих тұқкұз юз секкизгача Тошканд ва Шохрухия вилояти Чиғатой хонларининг тасарруфида эди. Бу фурсатта мұғул улусининг хон ва сұлтонлиғи Юнусхоннинг улуғ ўғли – менинг тоғойим Султон Маҳмудхонда эди. Умаршайх мирzonинг оғаси Самарқанд подшохи Аҳмад мирзо ва мұғул улусининг хони Султон Маҳмудхон чун Умаршайх мирzonинг бадмашлиғидин мутазаррип әдилар, бир-бирлари била иттифоқ қилиб, Султон Аҳмад мирзо Султон Маҳмудхонни күёв қилиб, мазкур бўлғон тарихда Хўжанд сүйининг жануб жонибидин Султон Аҳмад мирзо ва шимол тарафидин Султон Маҳмудхон Умаршайх мирzonинг устиға черик тортилар.

(Захириддин Мұхаммад Бобур, «Бобурнома», «Тошкент» нашириёти, 1965 йил, 15-бет)

ТАДБИРЛАЙЮНУСХЎЖА

Үн саккизинчи асрнинг саксонинчи йилларига келиб Тошкент ҳокимлари ўзаро урушиб, охири Шайхонтохур хўжаси Юнусхўжа шаҳар ҳокими қилиб кўтарилиди. Шу билан Тошкентда ягона сиёсий ҳокимият ўрнатилди. У 1716 йили Чимкент, Сайрам, Олтинтепа, Қорабулоқ, Сарепан, Қорамурт ва бошқа ўнга яқын шаҳар ва қишлоқларни, шунингдек, Катта жуз уруғларидан уйсун, Санчкли, Сара, Сергели ва бошқа жойларни бўйсундирди. Шундан уч-тўрт йил кейин Юнусхўжа Улуғ жузга ҳам юриш қилиб, Туркистон ва унинг атрофидан то Чу дарёсигача бўлган майдонни Тошкент ҳукумати тасарруфига олди.

(Мираҳмад Мирхолдор ўғли, «Чимкент тарихи», Чимкент, 1997 йил, 21-бет)

САВДОГАРЛАР ЮРТИ

1741 йилда Тошкентда бўлган татар савдогари Шубай Арслоновнинг маълумотларидан: «Тошкент шаҳри қалин пахса девор ва зовур билан ўраб олинган. Шаҳар катталиги жиҳатидан Қозонга тенг келади. Унинг ўн икки дарвозаси бор. Бу ерда иморатлар тартибсиз ҳолда, пахса девор билан қурилган. Шаҳарда боғлар ва масжидлар кўп. Катта масжидларда ҳайит кунлари кўпчилик бўлиб намоз ўқилади. Дарвозалар олдида алоҳида хонада мираб туради. Уларда тўп йўқ, узоққа отадиган милтиқ бор, холос. Бундай милтиқлар Тошкентда ясалади.

Бу вақтларда Хондайлиқ, Хўжакент, Паркент, Заркент, Нушния, Номданак, Қорамурт, Чимкент ва Сайрам Тошкентга қарашли эди. Шаҳарни ўн кишидан иборат Кенгаш бошқарган. Ҳукумат қароргоҳи Кўкча дарвозаси ёнидаги қальада иш юритади.

Тошкент Бухоро, Самарқанд ва ўлқадаги бошқа шаҳарлардан ташқари Қашқар, Хитой, Ҳиндистон, Афғонистон, Руся ва бошқа жойлар билан савдо қилади. Тошкентдан Туркестонгача бўлган йўлни юк карвони олти кунда босиб ўтган, Иргиз дарёсидан Уфагача уч кун, Бухорогача ўн кун, Балхгача йигирма уч кун, Бадаҳшонгача ўн беш кун юрилган».

(Ҳамид Зиёев, «Тарих ўтмиш ва келажак кўзгуси», Тошкент, Faafur Fulom нашириёти, 2000 йил, 63-64-бетлар)

БОҒЛАР ШАҲРИ

Россия кон муҳандиси Тимофей Бурнашев хотиралиридан: «Узоқдан Тошкент кўриниши пастқам уй ва биноларни кўмиб ётган улкан боғни эслатади. Олатоғ этакларидаги текисликларда ястаниб ётган шаҳар кўзни қувонтиради...

Шаҳардан чиқиш учун олтита ёғоч дарвоза қурилган, тунги пайтларда уларни қоравул қўриқлади. Шаҳар ичида боғлар кўп, уйлар пастак, лойдан қурилган. Ҳоким ва амалдорларининг ҳовли-жойлари муҳташамлиги ва безатилиши оддий халқницидан деярли фарқланмайди, фақат улар ҳовлисингер ер майдони каттароқ. Кўчалар тор ва паст-баланд.

Шаҳар марказида улкан бозор жойлашган, унда турли товарлар билан савдо қилувчилар учун алоҳида дўкончалар қуриб берилган. Шаҳар йигирма вёрст узунликдаги иккита канал орқали Чирчик дарёсидан сув ичади. Кейин каналлардан майда ариклар қиқарилиб, деярли барча ҳовлига сув киритилган. Бутун шаҳар бўйлаб сув киритилиши ҳавони тозалаб, одамлар соғлиғини яхшилашда фойдаси бўлган.

Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда бутун шаҳарда ўн мингга яқын ҳовли бор, эр жинсидаги аҳоли қирқ минг кишига етади.

(«Поездка Постеплова и Бурнашева в Ташкент в 1800 году», Санкт-Петербург, 1851 г. стр. 56)
Аҳмад Мұхаммад тайёрлади.

ЭНГ АЧЧИҚ НЕЪМАТ

ЗЎРАВОННИНГ ЎЛИМИ

(ФАЛСАФИЙ ҚИССАДАН БОБЛАР)

Урушдан олдин маҳаллада Шариф зўр деган кимса бўларди. Почеки тор, тиззаси кенг мовут шим кийган, қўш чўнтакли камзул устидан энли камар таққан, бир кўзи кўр бу одам кўпчиликнинг хотирида муҳрланиб қолган. Ўша пайтларда Шариф зўрга дуч келганида одамларнинг тирқираб қочишини, оналар ухлагани кўнмаётган боласини қўрқитиш учун «Ҳозир Шариф зўрга чиқариб бераман», дейишини ҳамма яхши эслайди.

Ўшанда салобати ва важоҳатини кўриб, кўпчилик жуда катта амалда ишласа керак, деб ўйларди. Кейин билишса, шаҳар судида оддийгина хат ташувчи экан. Айниқса, у инқилобнинг тўққизинчى йили жуда қутуриб кетди. Энг аввало, Мадраҳим олуғ деган кўнчининг изига тушди. Ҳар куни маст ҳолда томга чиқиб олар, кўнчининг ҳовлисига қараб қутурган туядай «Битсин золим бойлар», дея қичқираверарди. Бир ойдан сўнг кўнчи маҳалладан ғойиб бўлиб қолди. Кўчиб кетдими ёки Шариф кўрнинг чақуви билан қамаб юборишдими – ҳеч ким билолмай қолди. Бу ғалаба Шариф зўрни жуда руҳлантириб юборди. Энди унинг соғ кўзи кун чиқар томондаги Холмат сўфи деган камбағалгина, ис-

мига қўшиб айтиладиган лақабидан бошқа гуноҳи йўқ, содда бир одамга тикилиб қолди. Ҳовлида ҳам, кўчада ҳам важоҳат билан қийқираверарди: «Битсин эски турмуш, йўқолсин дин пешволари!» «Дин пешвоси» унга бас келолмаслигини сезиб, бир кечада ҳовлини ташлаб қочди. Кейин Шариф зўр яна бир қўшнини қулоқقا чиқариб қутулди, бирини Сибир қилвораман, деб юрагини ёрди. Ўн йил ичida еттита ҳовлини ана шундай сиёsat билан қўлга киритиб, сотиб еди.

Ноҳақ азобланганлар, уйи бузилганлар, тухматга учраганлар қаттиқ қарғаган эканми, Шариф зўрнинг оиласи беному-нишон йўқ бўлиб кетди. Энг аввали, ўзи ит ўлимини топди. Урушдан бир йил олдинми, икки йил бурунми, бир куни кўчадан роса тўйиб ичиб келди. Туни билан бақиравериб, сўкинавериб, бутун маҳалланинг уйқусини бузди. Тонгга яқин қайт қилдию, нафаси чиқмай қолаверди. Ўз қусуфига чўкиб ўлди. Шариф зўрнинг ўғли билан ён қўшни икковлари мурдани қабрга қўйиб келишди. У ҳам қўрққанидан эмас, одамгарчиликдан борди.

Шариф зўрнинг тўнғич ўғли урушга кетиб, икки ойдан кейин ўлик-тириги ноаниқ, йўқолгани ҳақида ҳабар

келди. Кичигини эса Сталин вафот этган йили ўлдириб кетишиди. Қиморда катта ютқазиб қўйган экан, отасининг бутун топган-тутганини топшириб ҳам узолмаган, шекилли. Хотини эса эри ва икки ўғли доғида куявериб, ҳардамхаёл бўлиб қолди. Эшик тагига ўтирголиб, ўтган-кетгандан: “Камолхоним келадими, мабодо урушда кўрмадингизми?!?” деб сўрайверарди. Нос, папирос чекарди, ғамга ғарқ бўлган кезларида шароб ҳам totиб қўярди. Ана шундай кунларнинг бирида қўлида папирос билан учиб қолган аёл уй-пуй билан ёниб кетди. Яхшиямки, атрофдагилар сезиб қолишиди, йўқса, қўшниларникуга ҳам илашиши мумкин эди. Шундай қилиб, ҳамманинг кўз ўнгидаги бутун оила йўқ бўлди.

Ҳамма Шариф зўрни ҳам, оиласини ҳам бутунлай унубиб юборган эди. Аммо кейинги пайтда ўша ҳамма эсламасликка тиришадиган ўша ҳаммаҳалласи биринки бор Холмат сўфининг тушига кирди. У ичкарига киришга ботинмайди, дераза ортида шарпадай изғийди, гоҳида тўхтаб, йилтиллаган кўзларини оқсоқолга тикканича, узоқ кутади. Сўфи ҳам унинг тұхмати азобини totиб кўргани учун кўрқиб, туни билан алаҳсираб чиқди.

Сўфи бугун унинг ахволини кўриб ачиниб кетди. Ўша важоҳатли, дағдағали вужудининг ярми ҳам қолмаган. Рўпарасида қартайган, соғ кўзи нурсиз ва сўник, нотавон ва мажруҳ бир кимса турарди. Ичкарига шарпасиз кириб келганида, Сўфи сўрашмоқчи бўлиб узатган қўлини дарров тортиб олди. Унинг бақанини каби муздай, шилимшиқ қўлини бир сонияча ушлашдан ҳам аъзойи-бадани сесканиб кетди. Жирканганини сездирмаслик учун уни ўтиришга таклиф қилди.

- Қани, юқорига чиқинг. Сизни кўраман, деб ўйламаган эдим. Адашмасам, урушдан олдинроқ бу дунё билан хайрлашувдингиз, шекилли?

- Ҳа, ўлганимга кўп бўлган, ҳамма эсидан ҳам чиқариб юборди. Менинг учун эса тириклик ҳам, ўлим ҳам барибир. Чунки ҳар куни бир ўлиб-тириламан. Энг даҳшатлиси, хотиним ва болаларимнинг руҳи ҳам мендан ҳазар қилиб қочади. Ҳеч кимга яқинлашолмайман, ортимдан чироқ ёқадиган кимса қолмаган. Бундан ҳам ортиқ фожеа йўқ экан. Ҳеч ердан қўним тополмайман, изғийвераман, изғийвераман. Охири сенинг хонадонингга қўнишга аҳд қилдим. Кел, оққўнгил, раҳмдил, дейишарди, мени ҳайдамас, деб ўйладим.

- Эл-юртнинг тавқи-лаънатига дучор бўлган кимсанинг қисмати шундоқ!

- Сен мени бехуда айблаяпсан! Чунки ўшанда мен янги ҳаётнинг, инқилобнинг душманларига қарши курашганман. Бойларнинг, қулоқларнинг, дин пешволосининг додини берганман, уйидан қувганман. Қилган ишларимдан асло афсусланмайман.

- Лекин тарих тарозусига согланда, сиз душман деб шўрини қуритганлар бегуноҳ, оддий одамлар бўлиб

чиқди. Қўл учида аранг кун кўрарди-ку! Уларнинг борйўқ айби янги турмушни ҳазм қилолмаганлари, холоску!

- Билмадим, эҳтимол бугун шундай баҳолаш осонроқдир? Аммо ўшанда ҳам, ҳозир ҳам ўзимнинг ҳақлигимга ишонаман. Иннайкейин, бизни тузумга садоқат билан хизмат қилишга ўргатишган. Қолаверса, мен қилмишларим ҳақида ўттиз-қирқ йил нима дейишларини башорат қиладиган авлиё ҳам эмасман.

- Шунинг учун ҳам Аллоҳ инсонга заковат ато этган. Бирор ишга қўл уришдан олдин фикрлашга, тўғри-нотўғри йўл тутаётганини сарҳисоб қилишга даъват этган.

- Энди таъна-дашномлар бефойда! Йилларнинг этагини тутишнинг иложи бўлмагандай, ҳеч нарсани аслига қайтаришнинг иложи йўқ. Ўша қулоқлар ҳам, ҳалқ душманлари ҳам қачондир ўларди. Уйида ўлди нимаю, ўзга юртларда қолди нима? Беш-үн йил оз-кўп яшаганидан нима ўзгарарди? Энди уларнинг арвоҳидан арасасин, уларга тўқнаш келишдан кўрқиб, доимо пана-паналарда қочиб юраман, ҳамиша бекиниб юришга маҳкумман.

- Ҳалол одамларни ҳалқ душмани, деб сотганда, қўл учида кун кўраётганини қулоқ қилиб рўйхатга олганда, эътиқодли, имонли инсонларни дин пешвоси, деб таъқиб этганда кўрқиши лозим эди.

- Ахир тавба-тазарру қилганни Худо ҳам кечиради, дейишади. Наҳот, шунча йил ўтиб кетсаю, тарих ҳам, одамлар ҳам мени кечира олмаса?

- Мен бунга жавоб беришга ожизман. Чунки ҳар қандай буйруқни бажаришга шай сиздай кимсаларнинг қўли билан йўқ қилинган инсонларнинг хуни барибир тинчитмайди. Не бўлганда ҳам, қилмишларингизни Аллоҳ таоло қиёмат куни ўзи ҳисоб-китоб қилади. У жуда одил, олий Ҳакам!

Сўфининг бу гапидан кейин Шариф зўрнинг бўғиздан оғир, аянчли хўрсиниқ отилиб чиқди, у яна ҳам чўкиб кетгандай туюлди. Кейин товуш чиқармай, оҳиста юрдию зум ўтмай, эшикка сингиб кетгандек ғойиб бўлди. Холмат сўфининг назарида эшик очилиб-ёпилмади ҳам, шекилли.

Сўфи ҳозиргина уйқудан кўз очгандай ўзига келди. Шариф зўр билан учрашув тушидами ёки ўнгидаги содир бўлганини англолмай, бир пас караҳт ҳолда ўтириди. Сўнг ҳуши ўзига қайтиб, кўрқувданми ё ҳаяжонданми, кўпдан буён тер нималигини билмаган пешонаси на-мланиб қолганини сезди.

ИЙМОН ҲАЛОВАТИ

**(Давомли асарнинг боши
4,5,6,7,8,9,10,11-сонларда)**

«Учтака»ни кузатиб қутулдим, деб ўйлабману аммо кун ўтгани сайин унинг қалбимга сепиб кетган иккилиш, шубҳа-гумон, мубҳамлик уруғларидан кутулиш қийин эканини аниқроқ сеза бошладим. Ичимда нимадир ўзгарган, танамнинг қайсиdir мурвати бузилиб қолганга ўхшайди. Аввалги беташвиш, шўх, ҳавои кунларим ўрнини хаёлпарамстлик, қўркув, ишончсизлик туйғуларига тўла дамлар эгаллаб олган. Тинмай хаёл сураман. Илгари умуман эҳтибор қилмайдиган, ўйлаб ҳам кўрмайдиган нарсалар тинчлик бермай қўйган. Айниқса ўлим, ундан кейин нима бўлиши ҳақидаги хаёллар хира пашшадай ёпирилиб келаверади.

Шу пайтгача мактабдаги, институтдаги муаллимларим, ота-онам уқтириб келган гаплар билан уйимизда ўн саккиз кун ишлаган «Учтака»нинг гаплари тамоман бошқа-бошқа чиқиб қолгани мени бутунлай довдирашиб қўйган, саросимага солган, бутун фикр-ўйларимни

афдар-тўнтар қилиб ташлаган эди. Ким ҳақ? Қиёмат, охират, жаннат-дўзах, ҳисоб-китоб, тарози, фаришталар ҳақидаги гапларни гирт афсона деган, муллалар мўмай даромад топиш учун, бойлар камбағалларни қул қилиш мақсадида ўйлаб топган гаплар деб уқтириб келган ўша муаллимларимнинг гаплари тўғрими ёки ана шуларнинг ҳаммаси ҳақлигига чин дилдан ишониб, буни исботлаш учун соатлаб баҳс-мунозара қилишдан эринмайдиган ча-ласавод «Учтака»нинг далилларида асос борми?

Бошим қотиб қолди. Вужудимда икки кўринмас куч пинҳона кураш бошлаган эди. Бири устоzlарингнинг гапи ҳақ, шунча илмли киши билан аранг тўрт синфни тугаллаган уста тенг бўла олармиди, деб тинмай миямга қуяр эди. Бошқаси эса «Учтака»нинг ҳақни гапираётганига гувоҳлик берарди.

Бир-икки бор бу ҳақда дадамларга сўз очмоқчи бўлдим. Аммо тезда фикримдан қайтдим. Чунки ўтган галгидай яна ўйлаб ҳам ўтирамай танбех беришни бошлаб юборадилар: «Ҳали уйланмаган, ўн гулидан бири ҳам очилмаган йигитга ўлим ҳақида ўйлашга бало бор-



ми? Ана, чойхонада бир гала чол, эртадан-кечгача асқия айтади, шахмат суради, бошқаларнинг фийбатини қилип ўтиради. Ўлимни улар ўйламайдио сан бош қотирасанми, хумпар?! Тухум босган курк товуққа ўхшаб ҳадеб уйда ўтиравермай бор, күчага чик, улфатларга қўшил, ўйин-кулгига аралаш! Давримда айшингни суриб қолмайсанми, рўзгорнинг ола хуржуни елкангга тушмай. Ўргилдим сандака файласуфдан!»

Күчага чиқаман, улфатларга қўшиламан, бўш қолдим дегунча телевизорга термуламан, баҳзан китоб варақлайман. Буларнинг ҳаммаси аввалгида завқ бермайди. Ҳаётимда нимадир етишмаётгандай, нималардадир хато қилаётгандай бўлавераман. Сабабини топа олмайман. Сўрагани эса атрофимда жавоб бергувчи одам йўқ...

Бугун ғалати туш кўрибман. Аввал аллақандай хорхашак, ахлат аралаш жойларда йўл топа олмай узоқ тентирадим. Қайси томонга юрсам ҳам охири берк чиқиб қолаверди. Кейин ён томонда баланд адирлик қўринди. Уша томонга қараб юрдим. Аммо унга чиқиш осон эмас эди, жуда мashaққатли қўринар эди. Адир тик бўлгани учун ҳарчанд уринмайин чиққани қулай жой топа олмас эдим. Охири қаттиқ ҳаракат қилиб, бута-хашакларга осилиб бир амаллаб ахлатхонадан юкорига чиқиб олдим. Қарасам, рўпарамда бепоён кўм-кўк ўтлок, олисроқда қуюқ дарахтзор. У ер-бу, ерда анвойи гул-чечаклар барқ уриб яшнаб ётиби. Ўртадан шарқираб сой ўтган. Қушларнинг «чуфур-чуфур»идан қулоқ том битай дейди. Бунақа чиройли манзарани «Киносаёҳатчилар клуби»да ҳам, «Оlamга саёҳат»да ҳам кўрмаган эдим. Лиммо-лим тўлиб оқаётган сой бўйига бориб, сувга энгашдим. Унинг кўм-кўклигидан кўзим қамашиб кетди. Ҳовучимга сув олиб ича бошладим. Бунақа муздай ва ширин сувни ҳам биринчи ичишим эди. «Қаерга келиб қолдим ўзи? Нега бу ерда ҳеч ким йўқ? Мабодо эгаси бўлса, беижозат кирганим учун уришмасмикин?» деган хаёллар билан уйғониб кетдим.

Ҳали тонг отмаган эди. Деразамдан кўриниб турган ўлдуз тўла осмоннинг бир парчасига тикилиб бир пас хаёл суриб ётдим. «Кўпдан бўён туш кўрмас эдим. Бугунги тушим жа ғалати эди. Уни нимага йўйиш мумкин? Ўзи туш нима нарса? Келажак ҳақида башоратми ёки ўтган воқеа-ҳодисаларнинг мияда акс этишими? Одам нега туш кўради? Тушларнинг бари рўёбга чиқадими?» Қизиқ, нега шу пайтгача бу ҳақда сира ўйлаб кўрмабман? «Учтака» бўлганида ана шу саволларни бериб кўрар эдим.

Ўрнимдан туриб ташқарига қарадим. Ҳамма ёқ сукунат оғушида. Осмонда ўлдузлар шўхлик қилиб кўз қисишиади, ой кўкда талтайиб сузади. Олислардан онда-сонда хўroz қичқириғи ва итларнинг сергак вовуллаши эшитилади. Ёқимли бир шабада эсиб ўтди. Вужудим роҳатланиб яйраб кетди. Ёнаётган танамни кимдир оҳиста елпид со-вутгандай бўлди. Тонг олдидан борлиқнинг бунақангисулим ва роҳатбахш бўлишини билмаган эканман. Умр бўйи шундай гўзал дамларни уйқуда ўтказиб юборганимизга ачиниб кетдим. Ҳозир аллақандай кўтаринки, тушуниб бўлмас бир кайфиятда эдим. Бу боягина кўрган тушимнинг таъсириими ёки илк бора гувоҳ бўлганим субҳидамнинг завқи эдими, тушуна олмадим.

Қалбимда қандайдир ўзгариш, илгари ҳеч кузатилмаган бир безовталиқ пайдо бўлган эди. Аввалига буни турли нарсаларга боғлаб кўрдим. Аммо фикрларимдан

тасалли топа олмадим. Шунда бирдан бу безовталиқ, шу кунгача яшаб келган ҳаётимдан қониқмаслик «Учтака» билан бўлган баҳслардан түғилганини тушуниб қолдим. Бошда унинг қиёмат, ўлим, дўзах азоби ҳақидаги қўрқинчли сафсалаларига унча ишонмаган бўлсан-да, кейинги кунларда булар бутун фикру ҳаёлимни эгаллаб бораётганига амин бўла бошладим. Ўзим хоҳламаган, ўзим ишонмаган ҳолда шу пайтгача назар-писанд қилмай келган нарсалар ҳақида кўпроқ, жиддийроқ ўйлашга киришган эдим...

Кеча таътилим тугаб ишга чиқдим. Шу пайтгача унча эҳтибор қилмайдиган, аҳамият бермайдиган ишимдан ҳам энди янгича мазмун, моҳият топа бошладим. Ҳар куни ўзим дуч келадиган, ҳужжатлари қўлимдан ўтадиган, жинояти тафсилотларидан беихтиёр хабардор бўлинадиган инсонларнинг тақдирига бошқача кўз, ўзгача бир назар билан эҳтибор берадиган бўляпман. Авваллари суд курсисига ўтирадиган ёки унинг ҳукми билан жавобгарликка тортиладиган ҳар бир киши мен учун қонунни бузиб, энди ана шу қилмиши учун жазога муносиб топилган шахс ҳисобланар эди. Суд улар учун охирги мезон, биз, адлия ходимлари тили билан айтганда сўнгги инстансия эди.

Ҳақиқат ва адолат даъвосидаги судлов назаримда одамлар тақдирини бир ҳамла билан ё у ёк, ё бу ёк қиласидиган енгилмас куч, кемани худди писта пўчофи каби ўйнайдиган ваҳшатли тўлқин сингари аёвсиз ва қаҳрли бир қудрат тимсоли эди. Шаҳарни зир титратган қаттиққўл, дасти дароз, сўзи кескир амалдор ҳам, бир неча одамнинг калласини сапчадай узиш шафтоли ейишдан ҳам осон бўлиб кетган ашаддий қотил ҳам, ҳатто чумолига озор беришдан истиҳола қиласидиган юввош ва ҳоксор бир меҳнаткаш ҳам унинг ҳайбати ва ваҳшатидан баб-баравар илиги қалтирас, ранги докадай оқариб, кўзи олма-кесак териб қолар эди. Менинг учун суд энг олий ҳакам, сўзи рад-инкор қилинмайдиган улуғ қози, ер юзидаги адолат ва ҳақиқат шамшири эди.

Аммо «Учтака» билан сұхбат-тортишувларимиздан кейин энди ишхонамнинг аввалги маҳобатини, қудратини тан олгим келмай қолди. Чунки уста шу пайтгача мен ва мен каби жуда кўп лоқайд ва жоҳил кимсалар идрок эта олмаётган, ҳис қила олмайдиган, тушунишни истамаётган бир қудратни – илохий қудратни танитиб, англатиб кетган эди. У дунёда ҳамма нарсани Худо яратгани, ҳамма нарса Үнга бўйсуниши, Унинг низоми-қонунни асосида ҳаракат қилиши, Яратганинг қудрати олдида ҳатто улуғ салтанатлар, буюк соҳибқирон саркардалар, қиличидан қон, қаҳридан жон томадиган ҳукмдорлар арзимас нарсага айланиб қолиши ҳақиқатини очиб кетган эди... Нега шу пайтгача ана шуларнинг тагига ета олмадим? Нега умримнинг чорак асрини қайсарона тақаббурлиқда ўтказиб юбордим? Нега шунча йил илим олиб, ўқиб-ўрганиб, ҳаёт ва ўлимнинг асл моҳиятини, асосий мазмунини англаб етолмадим? Ўзимни билимдон, ақлли, заковатли одам санасам-да нега чаласавод устанинг модда ва руҳ ҳақидаги далил-исботлари қаршисида лол ва мот бўлиб қолдим? Саволларимнинг чек-чегараси қўринмас эди. Уларга жавоб топа олмаётган эдим. Сўрашга эса бир доно устозга муҳтож эдим...

(Давоми келгуси сонда)

ҚУДДУС АМАКИНИНГ САБОҚЛАРИ

O'NINCHI SABOQ NAMOZ O'QISHNI O'RGANING

Assalomu alaykum, mening suyukli toychoqlarim!

Bugun sizlarga namoz o'qishni o'rgatib qo'yaman, deb va'da beruvdim. Va'dani, albatta, bajaramiz. Tayyormisizlar? Tahorat qilib keldinglarmi? Barokalloh! Chunki namozni taboratsiz o'qib bo'lmaydi. Musulmon kishi bir kunda besh mahal namoz o'qiydi.

Tong oqargan payt (subh)dan to quyosh bosh ko'targuncha o'qiladigan namoz «Bomdod» deyiladi. Quyosh tikkaga kelib qibla tomonga moyil bo'lgan paytdan narsalarning soyasi o'ziga nisbatan ikki baravar kattalashguncha o'qiladigan namoz «Peshin» deyiladi. Peshin vaqtı tugagandan toki kun botguncha o'qiladigan namoz «Asr» deyiladi. Kun botgandan kun botish tomonagi shafaq (qizg'ish nurlardan keyin paydo bo'ladigan oqish nurlar) yo'qolguncha o'qiladigan namoz «Shom» hamda shafaq tamoman yo'qolib, qorong'i bo'lgach o'qiladigan namoz «Xufton» deyiladi. Kun chiqayotganda, kun tikkaga kelganda va kun botish chog'ida namoz o'qish mumkin emas, ammo asr namozi kun botayotganda ham o'qilaveradi.

Namozda tik turish «Qiyom» deyiladi. Shunda Qur'oni karimdan biror sura yoki uchdan ortiq oyat o'qish «Qiroat» deyiladi. Ikki tizzaning ko'zini ushlab egilish «Rukul» deyiladi. Keyin cho'kkalab ikki bora joynamozga bosh tekkizish

«Sajda» deyiladi. Ana shu harakatlarning hammasi birgalikda «Rakat» deyiladi. Namoz ana shu rakatlardan tashkil topadi. Bu aytganlarimni yaxshilab eslab qolinglar, shirintoylarim! Hali namoz o'qishga kirishganimizda kerak bo'ladi.

Allohning qat'iy amri bilan musulmonlar zimmasiga majburiy qilib qo'yilgan namoz rakatlari «Farz» deyiladi. Payg'ambar alayhissalom o'zları o'qib, ummatlariga ham tavsiya qilgan namoz rakatlari «Sunnat» bo'ladi. Xuftondan so'ng 3 rakatii vitr namozi o'qilishi vojib hisoblanadi.

Namozlarning tartibi quyidagicha:

- 1. Bomdod namozi – 2 rakat sunnat, 2 rakat farz.**
- 2. Peshin namozi – 4 rakat sunnat, 4 rakat farz, 2 rakat sunnat.**
- 3. Asr namozi – 4 rakat farz.**
- 4. Shorn namozi – 3 rakat farz, 2 rakat sunnat.**
- 5. Xufton namozi – 4 rakat farz, 2 rakat sunnat, 3 rakat vitr.**

Endi namozning farzlari, ya'ni majburiy talablarini o'rgatib qo'yay. Namoz farzlari 12 ta. Bundan oltitasi namoz tashqarisidagi ishlar. Ularni «Namozning shartlari» deyiladi. Oltitasi esa namozning ichida bo'lib, ularni «Namozning ruknlari» deyiladi. Agar ana shu 12 narsadan birontasini bajarmay qo'ysangiz, namozingiz

buziladi.

Bolajonlarim, mana bular namozning shartlari hisoblanadi:

1. Tahorat olish (avvalgi darsda o'rgatganman).
2. Najosatdan poklanmoq. Bu — namozxonning badani, ust-boshi toza, pok bo'lishi, o'g'il-bolalarning kiyimlari kindikdan tizzagacha, qiz bolalaming esa yuz, kaft va oyoq uchidan boshqa hamma a'zolarini yopib turishi kerak, degani.
3. Namoz o'qiladigan joy pok, toza bo'lishi kerak.
4. Namozni qibлага (Makka shahridagi Ka'ba turgan tomonga) qarab o'qish darkor.
5. Namozni o'z vaqtida o'qish zarur (vaqtiarini oldinroq aytib bergenman).
6. Qaysi namoz o'qiyotganini niyat qilish. Namozning rukniari esa mana bular:

 1. Namozni «Allahu akbar» deb boshlash («Takbir tahrима»).
 2. Namozda tik turish («Qiyom»).
 3. Qiyomda turganda barcha rakatlarda «Fotiha» surasini va barcha sunnat namozlarida hamda farz namozlarining avvalgi ikki rakanida birorta boshqa surani qo'shib o'qish («Qiroat»).
 4. Qo'llarni tizzaga qo'yib egilish («Ruku»).
 5. Burun, peshona, qo'l, tizza va oyoqlarni yerga tekkizish («Sajda»).
 6. Namoz oxirida «Tashahhud» o'qib o'tirish («Qa'dai oxir»).

Endi, bolajonlarim, sizlarga namoz o'qishning tartibini tushuntirib qo'yay. Tahorat olib kelib, joynomoz tepasida qibлага yuzlanib, masalan, Bomdod namozini o'qimoqchi bo'lsangiz, mana bunday niyat qilasiz:

«Bomdod namozining ikki rakanli sunnatini (yoki farzini) qiblam bo'l mish muqaddas Ka'baga yuzlanib, o'z vaqtida, xolis Alloh taolo uchun o'qishni niyat qildim».

So'ngra ikki qo'lni ko'tarib, bosh barmoqlar uchini ikkala quloqning yumshoq joyiga tekkizib: «Allahu akbar», deyiladi. Keyin qo'lni qovushtirgan holda turib, mana bu «Sano» o'qiladi:

«Subhanakallohumma va bihamdik va tabarakasmuk va ta'alal jadduk va la ilaha g'ayruk!»

Keyin: «A'uzu billahi minashshaytonir rojym, bismillahir rohmanir rohiym», deb Fotiha surasi

o'qiladi. Keyin kichikroq suralardan biri o'qiladi:

Suralardan biri o'qilgandan so'ng «Allahu akbar» deb ruku' qilinadi, ya'ni ikki tizzaning ko'zini ushlagan holda bosh bilan belni bir tekis qilib engashiladi va uch marta «Subhana robbiyal 'aziyim» deyiladi.

So'ng; «Sami'allahu liman hamidah, robbana lakaham» deb tik bo'linadi. Keyin yana «Allahu akbar» deb sajdaga boriladi.

Sajdada uch marta: «Subhana robbiyal 'ala» deyiladi, keyin yana «Allahu akbar», deb o'tiriladi, so'ng «Allahu akbar» deb ikkinchi bor sajda qilinadi. Sajdadan «Allahu akbar» deb tik turiladi. Qo'l qovushtirib, «Fotiha» surasi o'qiladi, ketidan suralardan birini o'qib, ruku' va ikki bor sajda qilinadi. Keyin chap oyoqni yerga yotqizib, ustiga cho'kkalab o'tiriladi, o'ng oyoq barmoqlari uchida tikka turadi. Qo'l barmoqlari esa tizza ustida bo'ladi. Qa'da, ya'ni o'tirishda Tashahhud («Attahiyot») o'qiladi. Keyin Salovot o'qiladi.

So'ng o'ng va chap yelkaga o'girilib: «Assalomu alaykum va rahmatulloh», deb salom beriladi. Shu bilan namoz tugaydi.

Bomdodning keyingi ikki rakan farzi ham, barcha ikki rakanli sunnatlari ham shu tarzda o'qiladi.

Peshinning to'rt rakanli sunnatida, yuqorida aytiganidek, ikki rakan o'qib, qa'dada «Tashahhud»ni «va Rasuvluh»gacha o'qib, «Allahu akbar» deb o'rindan turib, yana yuqoridagi tartibda ikki rakan o'qiladi, qa'dada Tashahhud, Salovot va duo o'qib salom berib, namoz tugatiladi.

To'rt rakanli farzlarda ham avvalgi ikki rakanini va «Rasuvluh» gacha o'qib, «Allahu akbar» deb o'rindan turasiz va keyingi ikki rakanda faqat «Fotiha» surasining o'zini o'qiysiz, qa'dada Tashahhud, Salovot va duo o'qib salom berib namozni tugatasiz.

Aziz dilbandlarim, namoz o'qish haqida sizga aytmoqchi bo'lgan gaplarim hozircha shu. Namoz o'qishni boshlab yuborganingizdan so'ng bilmagan joylaringizni ota-onangizdan, agar ular bilishmasa, boshqa ustozlardan so'rab olasiz. Innaykeyin, namoz to'g'risida juda ko'p kitoblar chiqqan. Kitob sotadigan amakilaringizdan so'rasangiz ko'rsatishadi. Ularni ham o'qib, bilmagan, tushunmagan joylaringizni o'rganasiz. Bo'ptimi, asal-qandlarim!

АРАБ ҲИКМАТЛАРИ

Тарих давомида илм тараққиёти ва фазога юксалиш бугунгидек юксак чўққига кўтарилиган эмас. Шундай бўлса ҳам инсоният бирор асрда бугунгидек хурофот ва вахималар юки остида қолиб эзилган эмас.

Илмдан яхшироқ

Илм ўз соҳибини тўғри йўлга бошлай олмаса, бадавийнинг (саҳройи илмсиз киши) жоҳиллиги ундан яхшироқдир.

Илм нима?

Илм – мавҳум, номаълум нарсани билишгина эмас, балки уни билгандан сўнг ундан тўғри фойдаланишдир.

Икки хислат

Кимда икки хислат бўлса, Аллоҳ уни севади:

1. Тақво.
2. Гўзал хулқ.

Кимда икки хислат бўлса, инсонлар уни севишади:

1. Саховат.
2. Яхши амалларни кўпайтириш.

Кимда икки хислат бўлса, кўшнилари уни севишади:

1. Очиқ чехра.
2. Хуш муомалада бўлиш.

Кимда икки хислат бўлса, биродарлари уни севишади:

1. Уларнинг яхшиликларини эсада тутиш.
2. Ёмонликларини унтиш.

Кимда икки хислат бўлса, шогирдлари уни севишади:

1. Тушунтириш йўлида изланиш.
2. Уларга нисбатан кечиримли бўлиш.

Кимда икки хислат бўлса, устозлари уни севишади:

1. Уларни тез англаш.
2. Улар эҳтиромини жойига қўйиш.

Кимда икки хислат бўлса, оила аҳли уни севади:

1. Уларга нисбатан яхши муомалада бўлиш.
2. Уларнинг муаммоларини англаш.

Кимда икки хислат бўлса, у бошлиқларига ёқиб тушади:

1. Уларга чиройли итоатда бўлиш.
2. Уларнинг буйруқларини чиройли шаклда бажариш.

Кимда икки хислат бўлса, уни Аллоҳ ҳам, одамлар ҳам бирдек яхши кўради:

1. Яхшилик қилиш.
2. Азиятдан четланиш.

Қўз очлиги

Қорин очлигидан кўра кўз очлиги кўпроқ зарар келтиради. Буниси тўйса кифояланади, униси эса егани сайин янада очиқиб боради.

Аёлларимиз зийнати

Бойлигимизнинг ярми аёлларимиз зийнатига, қолгани эса душманларимиз чўнтағига кетмоқда.

Энг хавфли нарса

Оила учун хатарли нарсалардан бири ота ёки онанинг фарзандларини эркалатиш ва хатоларини яширишда бирини иккинчисидан афзал кўришидир. Бундан ҳам хатарлироғи улар фарзандларидан бирини бошқасидан афзал кўришини очик эътироф қилишидир. Мана шу нарса ака-ука, опа-сингиллар орасига адоват уруғини сепади. Вояга етгандаридан сўнг охири жиноят билан тугайдиган хусумат ва ғаразгўйлик ҳам ана шу нарсанинг қолдирган асоратидир.

Хожининг қувончи

Дунёда ҳаж маносикларини адо қилиб бўлган ҳожининг қувончидан кучлироқ қувонч кўрмадик. Бунга ким шубҳа қилса, тажриба қилиб кўрсинг.

Ким тарбиячи?

Хотиннинг тушунчаси касал, эрнинг жисми касал. Болаларни ким тарбия қилади?!

Чирой ва фазилат

Фазилатсиз чирой худди ҳидсиз гул кабидир.

Севги ва адватдаги мўътадиллик

Севиш ва адватда ҳаддан ошмагил! Гоҳида дўстинг душманга, душманинг эса дўстга айланиши мумкин.

Яхшилар ва ёмонлар

Қачон солиҳ инсонлар ўз вазифаларини чиройли бајаришмаса, Аллоҳ таоло уларнинг ишини ёмонларга топшириб қўяди.

Гуноҳ ва мубоҳ шаҳват

Харом шаҳват бир соат ҳаловат, кейин эса умр бўйи бехузурлик келтиради. Мубоҳ шаҳват бир соат ҳаловат, сўнгра умр фонийлигини пайдо қиласди. Машруъ сабр бир соат ҳузурсизлик, кейин эса абадий ҳаловат ато қиласди.

Шайтон сени алдаб қўймасин!

Шайтон сени тақводорлик йўлида алдаб қўймасин! У гоҳида сени ҳақиқар майда-чўйда нарсадан парҳез қилдиради, бироз кейин улкан хатарли гуноҳлар сари қадам босишга ундейди.

Шайтон сени ибодатинг борасида алдаб қўймасин! У гоҳида сени нафл ибодатлар қилишга ундейди, бироз кейин фарз ибодатларни тарқ этишга васваса қиласди.

Арабчадан таржима.